



POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 1-avgust, shanba • №31(3821)



ХИЗМАТИМИЗ АЗИЗ ЮРТИМИЗГА

Бугунги ёшларнинг бахти шундаки, бизларга аждодлар орзу қилган истиқлол насиб этди. Дунёнинг ривожланган давлатлари тан олган, жаҳон миқёсида ўз ўрни, мавқеига эга бўлган юрт фарзандимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароси эканлигимизни фахр билан баралла айта оламиз. Истиқлол бизга ана шундай шукҳни берди.

МУСТАКИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Осойишталик посбони бўлиш учун ИИВ Академиясида ўқишни болалиқдан ният қилган эдим. Астойдил ҳаракат қилиб, тест синовларидан юқори балл тўплаб ўқишга кирдим. Ўзим орзу қилган соҳа хизматида фаолият курсатаётганимга ҳам мана уч йил бўлди.

Академияда олган сабоқларимни амалиётга татбиқ этишда менга катта ёрдам берган устозим, тажрибали терговчи, капитан Нодир Очиловдан жуда миннатдорман. У киши билим ва тажрибаларини мендан аямади. Шунингдек, майор Зокир Қодиров ва подполковник Ихтиёр Шарипов ҳамиша мени қўллаб-қувватлаб келишарди. Қисқа муддат ичида жамоада ўз ўрнимни топганимдан мамнунман. Осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги хизматим, интилишларим раҳбарият эътиборига тушди. ИИВ ташақкурномасини олдим, катта лейтенант унвонига сазовор бўлдим. Келгуси йилда раҳбарлар тайёрлаш Олий академик курсига ўқишга киришга тайёргарлик кўрайман.

Мустақил Ватанимиз бизни ардоқлаб, катта имкониятлар бераётган экан, биз ҳам бунинг қадрига етишимиз лозим. Она юртимиз билан фахрланиб, фидойи хизматимиз, интилишларимиз билан мустақилликни мустаҳкамлаймиз.

Ахтам ЛАТИПОВ,
катта лейтенант.

Бухоро вилояти.

2009 ЙИЛ - ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

ОБОД ҚИШЛОҚ - ЮРТ КЎРКИ



Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғи иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётган масканлардан бири саналади. Ушбу гўшадаги Чақир, Остона, Хўжалар, Қўшлоқ, Қоракўз каби маҳаллаларда 10 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Қишлоқ йилдан-йилга ободонлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда фуқароларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, иш билан бандлик масалаларига шу куннинг муҳим вазифаси сифатида қаралмоқда. Ҳар йили икки марта туман ҳокимлиги, прокуратура ҳамда ички ишлар бўлими томонидан бўш ўринлар ярмаркаси ўтказилаётгани фикримизнинг далилидир. Бунда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғullanмаётган фуқаролар иш билан таъминланяпти. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилмоқда. Ушбу талбирлар самараси ўлароқ 24

киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

— Аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Султонов. — Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунар эгаллашлари учун етарли шароит яратиш диққат марказимизда. Бу борада қишлоғимиздаги Йўлдош Рузметов раҳбарлик қилаётган «Довруғ» хусусий фирмасининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда шоли ва ун тегирмонлари, ёғочга ишлов бериш устахонаси ва макарон ишлаб чиқариш цехи мавжуд бўлган ушбу фирмада 15 нафарга яқин ёш меҳнат қилмоқда. Шунингдек, наққош Мадамин Исмоилов 12

нафар шогирдига ҳунар сирларини қунт билан ўргатмоқда.

Шуниси қувонарлики, ёшлар ўртасида турли соҳа вакиллари билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари ўтказилиб, керакли маслаҳатлар берилмоқда. Қишлоқ ҳудудидаги 4 та умумтаълим ўрта мактаби ҳамда касб-ҳунар коллежида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида режа ишлаб чиқилган. Унга кўра ҳозирда футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, дзюдо, кураш, шахматшашка каби ўндан ортиқ спорт тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Футбол, волейбол, шахмат-шашка бўйича маҳаллаларо мусобақалар ҳам ўтказилаяпти. Ғолиблар маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

(Давоми 3-бетда).

МИННАТДОРЛИК

ЮКСАК ИШОВЧ НАМУНАСИ

Яқинда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида қабул маросими ўтказилди. 14 июль — Франция миллий байрами муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда юқори мартабали меҳмонлар иштирок этишди.

Кунни кеча ИИВ раҳбарияти миннатдорлик хати олди. Унда Франция миллий байрами шарафига уюштирилган расмий қабулнинг муваффақиятли ўтишини таъминлашга ҳисса қўшган республика ИИВ тизимидаги ёнгин хавфсизлиги, йўл ҳаракати, кинология хизматлари, шунингдек, жамоат тартибини сақлашга масъул бўлган ички ишлар идоралари ходимларига ташақкур билдирилган.

Ушбу миннатдорлик мактуби ҳамкасбларимизга бўлган юксак ишонч ва ҳурматнинг ёрқин намунаси.

Ўз мухбиримиз.

ТАШРИФ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Дастурга мувофиқ Бангладеш Халқ Республикасининг фармацевтика ассоциацияси президенти С. Шафиуззамон бошчилигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ташриф чоғида делегация аъзолари мамлакатимиздаги бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ва амалий мулоқотлар ўтказишди. Шунингдек, «Ўзфарманоат» таркибидаги «Новофарма плюс» қўшма корхонаси ва бошқа корхоналар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Бангладеш Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ҳасиб Азиз ҳамда «Ўзфарманоат» ДАК раҳбарияти делегация аъзолари тушган автотранспортлар ҳаракати ҳамда жойларда ўтказилган тадбирлар чоғида ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари томонидан хавфсизлик тўлиқ таъминланганини таъкидлаб, бунинг учун республика Ички ишлар вазирлигига миннатдорлик билдиришди.

М. ОЧИЛОВ,
катта лейтенант.

МУСТАҚИЛЛИК ШУКРОНАСИ

ЮРАК ҚАТИДАГИ СЎЗЛАР

Бекмамат деган ажойиб дўстим бор. Бирга ишлаймиз. Ҳамма уни ҳурмат қилиб «Бек» ёки «Бек ака» деб чақиради. Мен эса уни ҳазиллашиб «Улкан қоя» деб атайман. У чиндан ҳам денгиз бўйидаги улкан қояга ўхшайди. Асов тўлқинлар тўхтовсиз келиб унга урилаверади, урилаверади. У эса бир кўтарилиб, бир тушаётган тўлқинларга жимгина, сўзсиз, сассиз тикилиб тураверади...

Бир кунни Бек «портлади». Улкан қоя ёрилди. Ёрилганда ҳам ём-о-он «ёрилди». Ўзи ҳар кунни ҳаммадан олдин келиб, кеч кетадиган дўстимнинг бугун ишга кеч қолаётганидан хавотирда эдим. Ахир, иш бошланганига йигирма дақиқача бўлган, ундан эса ҳамон дарак йўқ. Бирдан ёв қувгандек ҳансираганча эшикда пайдо бўлди-ю, ўзини оромкурсига ташлади. Билдимки, у пиёда, эҳтимолки, югуриб келган. Яна нимадир бўлган? Нима бўлиши мумкин?! Бу кам-

гап инсонни гапга солиш бефойдалигини биламан. Лекин унинг титраётган қўлларига, асабийлашганидан туси ўзгариб қолган юзига, қорачиқлари катталлашиб кетган кўзларига қараб жим туролмадим! — Нима гап, Бек?

Ниҳоят, пиёладаги совуқ чойни ютоқиб сийирган Улкан қоя тилга кирди.

— Одамларга ҳайронман, дўстим. Уларга нима етишмайди ўзи? Дунёда одамзоддан ҳам ношукур махлуқот бор-

микан?! Нега биз шукрона айтишни билмаймиз?! Нега фақат нолиймиз?! Нима учун олмоқнинг бермоғи борлигини унутиб қўямиз?!

Биласан, табиатан бировларга ўхшаб дарров одамларга қўшилиб кетолмайман. Мендан яхши суҳбатдош чиқмаслигини ҳам биламан. Шунинг учун кўп тинглаб, кам гапираман. Лекин бугун бекатдаёқ бошланиб, автобусда авжига чиққан суҳбатни охиригача тинглашга тоқатим ҳам етмади, сабрим ҳам чидамади. Ахийри, дуч келган бекатда тушдим-у, яёв келавердим. Одамларнинг ўйламай-нетмай гапирган гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди-да, дўстим...

(Давоми 5-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узок муддатли кредитлари улушни кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

● Тошкентда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партияси ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик ва оила саломатлиги» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда оилада репродуктив саломатлиқнинг қарор топишида жамоатчиликнинг ўрни, соғлом авлодни дунёга келтириш ва камол топтиришга қаратилган давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари, «Соғлом она – соғлом бола» ижтимоий ҳаракатини такомиллаштириш ҳамда оила барқарорлигини шакллантиришда ижтимоий-демографик масалалар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

● Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги мусиқий жамоалар ва яққон ижрочилар ўртасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтган босқичида тўрт ярим мингдан зиёд иштирокчи ўзининг янги кўшиги билан иштирок этди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазайева Муртазо Каршибоев шеъри, Анвар Эргашев мусиқаси билан айтилувчи «Фидо бўл!» кўшиги учун биринчи ўринга лойиқ топилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва республика ИИБ ЖИЭББ ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А. Рустамов ва бошқа иштирокчилар томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти, юртимиз озодлигининг тарихий аҳамияти, мустақилликнинг ҳар бир фуқаро ҳаётидаги ўрни ҳақида атрафлича фикр юритилди.

● Тошкент шаҳридаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу ярмаркада шахримиздаги икки юздан ортқ корхона ва ташкилот касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник Садулла Фатхуллаевич МУХАМЕДОВ.

Садулла Фатхуллаевич Мухамедов 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат тиббиёт институти таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Тошкент вилояти ИИБ АТИБ муассасасининг стоматолог шифокори лавозимидан бошлаган. 1986–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ АТИБ муассасасининг стоматолог шифокори, ИИБ Тошкент олий мактаби тиббиёт қисмининг бошлиғи, республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси поликлиника бошлиғининг ўринбосари, Стоматология поликлиникаси бошлиғи-шифокор-стоматолог лавозимларида хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Постда» – «На посту» газеталари ва «Қалқон» – «Шит» журналлари Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, полковник Зикрилло Хайриевич НЕМАТОВ.

Зикрилло Хайриевич Нематов 1961 йилда туғилган. Маълумоти олий, ТошДУ журналистика факультети, ИИБ Академиясини таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Бухоро вилояти Фиждудон тумани ИИБ милиционер лавозимидан бошлаган. 1990–2001 йилларда Фиждудон тумани ИИБ саф бўлимининг милиционер, Бухоро вилояти ИИБ сиёсий бўлим инспектори, ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш гуруҳи инспектори, Штаб инспекциясининг инспектори, ТИБ катта инспектори, бошлиқ ўринбосари, бошлиғи. 2001–2009 йилларда республика ИИБ ЁХОТМ илмий-тадқиқот ва таҳририй-нашриёт бўлимининг бош муҳаррири, Штаб бошлиғи, республика ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари – шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси Марказий поликлиникаси бошлиғи, подполковник Феруза Фуломовна ЗОКИРОВА.

Феруза Фуломовна Зокирова 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат тиббиёт институти таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йили республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси Марказий поликлиникаси бошлиғининг тиббий касалликлар бўйича ўринбосари лавозимидан бошлаган. 2004–2009 йилларда республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси Марказий поликлиникаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари – шифокор лавозимида хизмат қилган.



Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, капитан Азат Дамирович ТАСБАЕВ.

Азат Дамирович Тасбаев 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.

Сурхондарё вилояти ИИБ Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи, капитан Жаҳонгир Ишмуродович ШЕРДАНОВ.

Жаҳонгир Ишмуродович Шерданов 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2001 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўғон тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2004–2009 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, Шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.

Наманган вилояти Поп тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Абдуҳаким Ҳамидбоевич ҲАКИМОВ.

Абдуҳаким Ҳамидбоевич Ҳакимов 1977 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини таълимлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1998 йилда Наманган вилояти Давлатобод тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, Тоғли ҳудудлардаги ЖҚБ фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи ўринбосари, Тўрақўғон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ҲИСОБОТ

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармасида хизмат томонидан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов олиб борди.

Ҳисобот йиғилишида Бош бошқарма, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоят ва туманлар ИИБ тергов бошқармалари ҳамда бўлимлари раҳбарлари қатнашишди. Кун тартибидagi масалалар юзасидан Тергов Бош бошқармаси бошқарма бошлиғи, полковник Ў. Муҳаммадиев маъруза қилди. Нотиқ йиғилганлар эътиборини тергов ишларининг сифати, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ижроси, тергов фаолиятида эришилган ютуқ ва камчиликлар, ходимлар ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларга қаратди.

Шунингдек, йиғилишда одам савдоси, гиёҳвандлик, терроризм ва оғир турдаги жиноятларни тергов қилишда ходимларнинг билим ва малакасини ошириш, ўқув машғулотлари, семинар-тренинглари самарадорлигини кучайтириш ҳамда бошқа вазифаларни қайд этиб ўтилди.

Шундан сўнг айрим вилоят ИИБ тергов бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Сўзга чиққанлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинди, тергов фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, аниқ тадбирлар белгилаш тавсия этилди.

Ўз мухбиримиз.

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!»

ТАШАККУР
ИЗҲОР ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов номига Ўзбекистон Ёзувчилари уюмси раиси ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййиддан хат келди. Унда Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодиёнаси арафасида мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз қарорига мувофиқ бу йил биринчи маротаба ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг республика Ички ишлар вазирлиги миқёсидаги босқичи юксак савияда ўтказилганлиги эътибори билан, жойларда ушбу тадбирни сифатли ўтишини таъминлаган барча ички ишлар идоралари ходимлари ва раҳбарларига миннатдорчилик изҳор этилган.

Ўз мухбиримиз.

ЖИНОЯТЧИ
ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАС...

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКБда 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар якуни бўйича тезкор йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шодиев ҳамда ЖҚ ва ТҚКББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник В. Тошматов олиб борди.

Дастлаб, Бош бошқарма томонидан ҳисобот даврида республика ҳудудида тезкор вазиятни яхшилаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилган кенг қамровли тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар натижаси, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ раҳбарларининг муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳисоботи тингланди.

Тадбир сўнггида 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар белгилаб олинди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. КОДИРОВ,
лейтенант.

ТАДБИР

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Самарқанд вилояти ҳокимлигида одам савдосига қарши курашини бўйича республика Идораларо комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикасида Одам савдосига қарши курашини: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Одам савдосига қарши курашини бўйича республика Идораларо комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, туман ва шаҳарлар ҳудудий идораларо комиссиялари масъул котиблари, прокуратура, ички ишлар бошқармалари масъул ходимлари иштирок этди. Илмий-амалий конференцияда республика Идораларо комиссиясининг масъул котиби, полковник А. Саттаров маърузаси тингланди.

Анжуманда одам савдосига қарши курашишда хорижий мамлакатлар амалиёти, ушбу муаммонинг олдини олишда прокуратура идораларининг ўрни, одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларни тергов қилишда юзага келатган муаммолар, унга қарши курашишда маҳалланинг ўрни сингари мавзулар кенг муҳокама қилинди ва ўзаро фикр алмашилди.

Умида БОЛЛИЕВА,
«Постда» мухбири.

Самарқанд вилояти.

2009 йил – қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида шу кунгача ўсмирлар ўртасида биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қуйилмади. Бунда профилактика инспектори, капитан Сардор Эсаев ҳамда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, майор Ҳасанбой Ўриновларнинг хизмати катта бўлаётти.

Замон талаблари даражасида жиҳозланган милиция таянч пунктида профилактика инспекторлари билан бир қаторда

ОБОД ҚИШЛОҚ – ЮРТ КЎРКЎ

маҳалла фуқаролар йигинлари оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари ҳам фаолият юритишмоқда. Улар фуқароларнинг турмуш тарзи, оилавий муаммолари ва бошқа ҳар қандай масалаларни ҳам жиҳатликда ҳал этишяпти.

Профилактика инспектори, капитан Сардор Эсаев ҳамда маҳалла посбонлари сардори Бобожон Матёкубов ҳар бир воқеа-ҳодисага синчковлик билан ёндашаётгани сабабли Остона қишлоғида осойишталик ҳукм сурмоқда. Фуқароларнинг ариза ва муурожаатлари ўз вақтида кўриб

чиқилиб, ижобий ҳал қилинган. Оилавий келишмовчиликлар яраштириш комиссияси аъзоларининг доимий диққат марказида.

Қишлоқ ободлиги, юрт фаровонлиги йўлида тиним билмаётган, қалбида Ватан ҳисси жўш урган ана шундай юртдошларимиз билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

Суратда: туман ИИБ ҲООГ профилактика инспектори, капитан Сардор Эсаев ёш ўймакорлар билан.

Муаллиф олган сурат.
Хоразм вилояти.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Омбудсманнинг Тошкент вилояти бўйича минтақавий вакили бошчилигида турли етакчи соҳа ва тармоқлар раҳбарлари ҳамда маҳаллий ҳокимият вакилларида иборат гуруҳ томонидан вилоятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириладиган ишлар, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти тўғрисида»ги Қонуларининг амалиётга татбиқ этилиши юзасидан мониторинг ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги гуруҳ иш фаолияти давомида айтиб ўтилган қонунлар ижроси юзасидан фуқароларга саволномалар тарқатиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Шунингдек, вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда ҳудудлардаги ички ишлар идораларида фуқароларни қабул қилиш хоналарида яратилган шароитлар, «Ишонч телефонлари» орқали келиб туш-

ган муурожаатларнинг кўриб чиқиладигани, масъул раҳбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш жадваллари мавжудлиги, ариза ва шикоятларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва бошқа масалаларга эътибор қаратаётгани.

Ҳозирга қадар Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота ҳамда Ўртачирчиқ туманларида мониторинг текшируви ўтказилди. Ички ишлар идораларида юқоридаги қонунлар ижроси юзасидан жиддий

камчилик ва нуқсонлар аниқланмади.

Эътиборли жиҳати шундаки, мониторинг текширувлари ўтказиладиган шаҳар-туманлар ҳокимликлари биносида Омбудсманнинг Тошкент вилояти бўйича минтақавий вакили Лазиза Ғофурова томонидан фуқароларни қабул қилиши йўлга қўйилиб, унда ҳудуддаги барча соҳалар раҳбар ходимлари, вилоят ИИБ ИХХК ва ЮТ бўлими, шунингдек, ички ишлар идораларининг бошқилари ҳам иштирок этди.

Мониторинг натижалари бўйича тупланган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га тақдим этилиши кўзда тутилган.

Хуршид РЎЗИЕВ,
лейтенант.
Тошкент вилояти.

Қашқадарё вилояти Адлия бошқармасида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни ўрганиш» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакили, ички ишлар ва адлия бошқармалари, прокуратура идоралари, фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Тошкент Давлат юридик институти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

БОШҚАРМАДА ЎҚУВ-СЕМИНАР

Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққан Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят минтақавий вакили, сенатор М. Нормуродов мамлакатимизда ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга апрофлича тўхтади. Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизда ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти хусусида ҳам ўзаро фикр алмашишди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ИИБ ва унинг тизимларида амалга оширилган ишлар эътиборга моликлиги таъкидлаб ўтилди. Бунинг амалий ифодаси сифатида вилоят ИИБ, шунингдек, Нишон, Муборак туманлари ИИБларида фуқаролар замонавий усулда барпо этилган хоналарда раҳбарлар томонидан қабул қилинаётгани эътироф этилди.

Ч. КҮЧАРОВ.

Қашқадарё вилояти.

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Йилнинг ўтган даври мобайнида Гулистон шаҳар ички ишлар бўлимига фуқаролар томонидан 1400 дан ортиқ ёзма ариза тушди. ИИБ раҳбарияти ва ходимлар ҳар бир муурожаатни амалдаги қонун-қоидалар асосида ҳал этишга ҳаракат қилишяпти.

— Албатта, ҳеч ким бекорчиликдан ёки беҳудага бирор идоранинг эшигини қоқиб бормади, — деди Гулистон шаҳар ИИБ бошлиғи, подполковник Раҳим Худойбердиев. — Уларнинг муурожаати эътиборсиз қолдирилса, биринчи навбатда, ўша идорага нисбатан фуқароларнинг ишончи йўқолади. Шуни ҳисобга олиб, биз ички ишлар бўлимига келадиган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида, алоҳида қабулхона қуриб ишга туширдик. Тасдиқланган рўйхат асосида ИИБ раҳбарияти ва масъул ходимлар фуқароларни қабул қилмоқда. Шу ўринда паспорт тизими қоидаларига амал қилмай юриб, зарурат туғилганда икки оёқни бир этикка тиқиб оладиган фуқаролар ҳам учраб туришини айтиб ўтиш жоиз. Ҳозир банк, почта, алоқа муассасаларида тўлов, пул олиш, кредит ва бошқа жараёнлар фуқаролик ҳужжати, яъни паспорт асоси-

да амалга ошириляпти. Айрим фуқаролар паспортни ўз вақтида алмаштирмай, банкдан пул ёки кредит олиш керак бўлса, чопиб келишади ва тезда янги паспорт беришни талаб қилишади. Биз, албатта мавжуд қонун-қоидалар асосида иш кўраимиз. Айримлардан жарима ундиришга тўғри келади. Буни фуқаролар тўғри тушунишлари лозим.

Ҳар бир фуқаро ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши керак, деб бежиз айтилмаяпти. Айрим фуқароларимиз ўзларига зарур бўлган иш юзасидан қайси идорага муурожаат этишни билишмайди. Биз уларга тўғри йўл кўрсатишга, зарур ҳолларда бошқа идоралар билан боғланиб, масалани ҳал этишга ҳаракат қилишимиз.

Фуқаро С. Галимулина муурожаат этиб, унга тўрт нафар аёл янги туғилган чақалоқни сотмоқчи бўлганини айтди. Тезкор ходимларимиз аёллар С. Галимулинага чақалоқни

300 долларга сотаётганида ушладилар.

Гулистон шаҳар ИИБ фуқароларни қабул қилиш биносида одамлар гавжум. Улардан айримларини суҳбатга тордик.

— Ўғлим қўшни давлатга ишлашга бормоқчи эди, — деди ўзини Гулбахор Алиева деб таништирган аёл. — Шаҳар ИИБ бошлиғи жуда яхши маслаҳат берди. Ўғлимга шу ердан иш топадиган бўлди.

— Хоразмдан жияним кўчиб келганди, — дея суҳбатга қўшилди ўрта ёшли эркак. — Уйимга доимий рўйхатга қўймоқчи эдим. Роса обора бўлсам керак деб ўйлагандим, барака топкурлар тезда ҳал қилиб беришди.

Ҳар бир муурожаат эътибордан қолмаслиги лозим, албатта. Чунки фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиши учун ундан фойдаланишлари керак. Мамлакатимиздаги барча қонун ва қоидаларда аввало инсон манфаатлари кўзланган. Ундан фойдаланишга ҳар бир фуқаро ҳақли. Зеро, инсон ҳуқуқлари — олий қадрият.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.
Сурдарё вилояти.

ЖАҲОН



АЙВониДА

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Хорватия полицияси «Жорий йилнинг 24 июлида юз берган йўловчи ташиш поезди ҳалокатига сабабчи» деган айблов билан 8 кишини ҳибсга олди. Қўлга олинганларнинг уч нафари темир йўлларни кузатиш ва уларни тозалаш билан шуғулланувчи компания ходимларидир. Тахминларга кўра, ушанда поезд эътиборсизлик туфайли ҳалокатга учраган. Натижада 6 киши ҳалок бўлган, 50 киши турли даражада жароҳат олган.

КЕМА ҲАЛОКАТИ

Кариб денгизининг Гаитидан ноқонуний муҳожирларни олиб кетаётган кема ҳалокатга учраган. Бахтсизлик туфайли тўрт киши ҳалок бўлган, қарийб 100 нафар одам бедарак йўқолган. Қутқарувчиларнинг сўзларига кўра, кемада тахминан 160-200 киши бўлган.

ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИ

«ING Direct» банки томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi АҚШнинг 29 фоиз аҳолиси ҳаётига жиддий таъсир ўтказган.

Гап шундаки, молиявий тақчиллик қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви, оилаларда ажралишлар юз беришига олиб келган. Бу каби салбий ҳолатлар Франциянинг 24, Канаданинг 23, Германиянинг 12 фоиз аҳолисида кузатилган.

Бундан ташқари, иқтисодий таназзул 40 фоиз америкаликнинг мuddатидан олдин нафақага чиқишига сабаб бўлган.

ЁМФИР – ОФАТ САБАБЧИСИ

Хитой жанубида бир неча кундан бери ёғаётган ёмғир сув тошқинлари ва кўчкиларга сабаб бўлди.

Бундан айниқса, мамлакатнинг Сичуань, Хунань, Гуйчжоу, Гуанси ва Цзянси музофотлари аҳолиси қаттиқ азият чекмоқда. Ҳозирга қадар табиат инжиқлиги оқибатида 66 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 10 мингдан ортиғи уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

КЎПОРУВЧИЛАР ҲУЖУМИ

Жазоирнинг Типаза музофотида соқчилар отрядига экстремистлар томонидан ҳужум уюштирилди.

Манбада айтилишича, дастлаб ҳарбийларга қарата бир неча портловчи қурилма улоқтирилган. Босқин вақтида 14 нафар ҳарбий ҳалок бўлган, етти нафари эса тан жароҳати олган. Мамлакат хавфсизлик кучлари уларни қўлга олиш учун ҳудудда кенг қамровли қидирув бошлаган.

Интернет ва ОАВ
хабарлари асосида
тайёрланди.

Наманган шаҳрида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Омбудсманнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорлиги» мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Раҳимова кириш сўзи билан очди.

МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори И. Венцель семинардан кўзланган мақсад ҳақида тўхталиб, тақдим этиладиган «Дунё омбудсманлари» китоби ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шундан сўнг тadbирга таклиф этилган мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Семинарнинг иккинчи кунги ўқилган маърузаларда Омбудсман билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртадаги ҳамкорликка муносиб баҳо берилиб, ушбу алоқаларни янада кучайтиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

Наманган вилояти.



ҚОНУН – ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ



«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

5-модда. Фуқароларнинг мурожаатлари турлари

Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари характерида кўра уч турда бўлиши мумкин: ариза, таклиф ва шикоят.

Ариза – фуқароларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларга расмий мурожаати бўлиб, уларнинг субъектив ҳуқуқларини рўёбга чиқариш воситасидир. Унинг ўзига хос томони шундаки, одатда ариза фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилиши билан боғлиқ бўлмайди. Аризалар ариза-талаб, ариза-илтимос ёки ариза-хабар мазмунида бўлади.

Талаб мазмунидаги аризада мурожаат этувчи ўз ҳуқуқининг таъминлигини талаб қилади ва давлат органи унинг талабини қаноатлантириш мажбуриятига эга бўлади. Масалан, белгиланган ёшга етган ва муайян меҳнат стажига эга фуқаро туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ёшга

доир пенсия тайинлигини сўраб ариза-талаб билан мурожаат қилиши мумкин.

Илтимос мазмунидаги ариза орқали фуқаро ўз ҳуқуқини амалга оширишни илтимос қилиб сўрайди. Бундай илтимосни қаноатлантириш ёки рад этиш, одатда, тегишли давлат органининг ҳуқуқи саналади. Ишга қабул қилишни сўраб мурожаат қилиш ҳам шундай аризалар жумласига кирса-да, аммо Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6 ва 78-моддалари талабларига кўра, иш берувчи ишга қабул қилишни гайриқонуний рад этиши мумкин эмас.

Хабар мазмунидаги аризаларни фуқароларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берувчи мурожаатлари ташкил этади.

Аризалар нафақат фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқ ёки эркинликларини рўёбга чиқариш мақсадида, балки ўзга шахсларнинг манфаатини кўзлаб ҳам берилиши мумкин. Бунга, одатда, депутатлар, мансабдор шахслар томонидан қилинадиган мурожаатлар мисол бўлиши мумкин. Аммо бу ўринда ўзга шахсларнинг манфаатини кўзлаб мурожаат этиш мазкур мансабдор шахсларнинг ваколатлари доирасига кириши масаласига эътибор қаратиш керак. Акс ҳолда, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахс (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ҳисобланувчи ишончнома бўлмаган ҳолларда ҳам ўзга шахс манфаатини кўзлаб қилинган мурожаатни кўриб чиқиш оқибатида муайян муаммолар келиб чиқишига йўл қўйилиши мумкин.

Ариза мазмунидан қатъи назар кўриб чиқиши ва натижаси мурожаат этувчига билдирилиши шарт, ушбу Қонуннинг 6-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Аризаларни белгиланган тартибда ва муддатларда қонуний ҳал қилинмаслиги, аризага ўз вақтида асосли жавоб берилмаслиги мурожаатнинг бошқа тури бўлган шикоятни келтириб чиқаради.

Таклифлардан асосий мақсад қонунчиликни такомиллаштириш, давлат идоралари фаолиятини яхшилашга қаратилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, фуқаролар таклиф бериш орқали ҳам ўз ҳуқуқларини билвосита ҳимоя қиладилар, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлароқ амалга оширилишига эришадилар.

Таклиф икки қисмдан иборат бўлади: у ёки бу давлат органи фаолиятини такомиллаштириш зарурати; аниқ таклиф ёки тавсиялар.

Ваколатли давлат органи ҳар бир таклифни синчиклаб ўрганиб чиқиши зарур. Агар таклифда фуқаро мурожаатни кўриб чиқиш натижасини унга маълум қилишни илтимос қилган бўлса, бу илтимос албатта қаноатлантирилиши керак. Давлат органларига келиб тушган таклифларнинг ҳаммаси ҳам асосли бўлавермаслиги ёки ҳамма ҳолатларда ҳам уларни амалга ошириш имкони йўқлиги табиийдир. Шундай ҳолларда фуқарога берган таклифи учун миннатдорчилик билдириб, унинг таклифини қабул қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида асослантирилган жавоб берилиши лозим.

Шикоят – фуқароларнинг ўз (ўзгалар) субъектив ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги айрим қонун бузилишларини, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот соҳаларидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида берилади.

Юқорида таъкидланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари белгиланган муддатларда ва мазмунан ҳал қилинмаслиги, мурожаат муаллифига ўз вақтида асосли жавоб берилмаслиги ёки мурожаат бўйича қабул қилинган қарорнинг ижроси таъминланмаслиги ҳам шикоятга асос бўлиши мумкин.

Аризалар каби шикоятлар ҳам ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, учинчи шахслар томонидан берилиши мумкин.

Давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят бўйсунув тартибига қараб юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки бевосита судга берилади.

Ўз навбатида инobatга олиш лозимки, давлат органида мурожаатларни уларнинг турларига қараб рўйхатга олиниши, умумлаштирилиши ҳамда статистикаси юритилиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Бинобарин, мурожаатлар умумий миқдорига нисбатан таклифларнинг кўпайганлиги фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ортганидан далolatдир ва бу ижобий ҳолат деб қаралади. Аммо шикоятлар сонининг ортгани, айниқса, такрорий шикоятларнинг кўпайиши салбий ҳодиса бўлиб, муайян давлат органининг фаолиятидаги нуқсон ҳамда қонунбузарлик ҳолатларидан дарак берувчи ўзига хос сигнал, барометр сифатида намоён бўлади.

(Боши ўтган сонларда.
Давоми бор).

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ФУҚАРОНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ



Ёдда тутинг!
Фуқаро доимий равишда ёки кўп вақт яшайдиган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.

● **Вояга етмаганларнинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахсларнинг яшаш жойи.**

Вояга етмаганларнинг, шунингдек васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахсларнинг яшаш жойи сифатида уларнинг қонуний вакиллари: ота-оналари, фарзандликка олганлар ва васийлар ёки ҳомийларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

● **Фуқаро бир неча квартира ёки ҳовли-жойга эга бўлса**

Бир неча квартира ёки ҳовли-жойга эга бўлган фуқаронинг доимий яшаш жойини ёки кўп вақт яшайдиган жойини аниқлаш қийин бўлган ҳолларда паспорти бўйича рўйхатдан ўтган манзил унинг яшаш жойи ҳисобланади. Демак, бундай ҳолларда даъво фуқаронинг рўйхатдан ўтган жойи бўйича қўзғатилади.

● **Жавобгар даъво қўзғатилганидан кейин яшаш жойини ўзгартирса**

Жавобгар даъво қўзғатилганидан кейин яшаш жойини ўзгартирган тақдирда иш ўша, даъво тақдим этилган судда кўрилаворади.

● **Даъво бир неча жавобгарга нисбатан қўзғатилса**

Турли манзилда яшовчи бир неча жавобгарга нисбатан даъво даъвогарнинг танлови бўйича жавобгарлардан бирининг жойлашган жойида қўзғатилиши мумкин.

● **Юридик шахсга нисбатан даъво қўзғатиш**

Ёдда тутинг!
Юридик шахсга нисбатан даъво ташкилотнинг органи ёки мол-мулки жойлашган жойида қўзғатилади.

Умумий ҳолида кўра ташкилотга нисбатан даъво унинг жойлашган жойида қўзғатилади. Ташкилотнинг жойлашган жойи сифатида унинг давлат рўйхатидан ўтган манзил (юридик манзили) ҳисобланади. Ташкилот филиалининг фаолияти билан боғлиқ даъво ҳам филиал жойлашган жойида қўзғатилиши мумкин.

ЯШАШ ЖОЙИДАГИ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

Ёдда тутинг!
Даъвогар: жавобгарнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзилидаги судга; ўзининг яшаш жойидаги судга мурожаат қилиши мумкин.

Куйидаги даъвогар даъвогарнинг ихтиёри бўйича унинг яшаш жойида тақдим этилиши ва кўрилиши мумкин (ФПКнинг 241-моддаси):

алимент ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги ва майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар;

гайриқонуний ҳукм қилиш, гайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида гайриқонуний қамоққа олиш ёхуд маъмурий қамоққа олиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги маъмурий жазони гайриқонуний қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир ҳуқуқларни тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш тўғрисидаги даъвогар;

даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвогар;

бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвогар.

Зарарни ундириш ҳақидаги даъвогар Зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан даъвогар жавобгарнинг яшаш жойидаги судга мурожаат қилади. Даъвогар майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогарни ўзи яшаб турган жойида ҳам тақдим этиши мумкин.

● **Зарарни ундириш ҳақидаги даъвогар**

Зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан даъвогар жавобгарнинг яшаш жойидаги судга мурожаат қилади. Даъвогар майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогарни ўзи яшаб турган жойида ҳам тақдим этиши мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар зарар етказилган жойида тақдим этилишига ҳам йўл қўйилади.

Юқоридаги ҳолатларда қайси судга мурожаат қилиш даъвогарнинг хоҳиши асосида бўлади (ФПКнинг 241-моддаси).

● **Ижро қилиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъвогар**

Ижро қилиш жойи кўрсатилган шартномалардан келиб чиқадиган даъвогар шартномани ижро қилиш жойида ҳам тақдим этилиши мумкин.

СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИКНИНГ АЛОҲИДА ҲОЛЛАРИ

Қонунда судловга тааллуқлиқликнинг алоҳида ҳоллари аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бунда қайси судга мурожаат қилиш тарафларнинг ўзаро келишуви ёки бир тарафнинг хоҳиши билан ўзгартирилиши мумкин эмас (ФПКнинг 242-моддаси).

Масалан, иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъвогар иморат, мол-мулк ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир. Бундай тартиб айрим процессуал масалаларни ҳал қилинишини энгиллаштиради. Хусусан, иморатга тегишли ҳужжатлар иморат жойлашган ҳудуддаги техник инвентаризация бюросида сақланади.

Мерос қолдирувчининг кредиторлари мерос ворислар томонидан қабул қилинганга қадар тақдим этган даъвогар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тегишли ҳисобланади. Бу ерда кредиторлар томонидан мерос очилгандан кейин олти ойлик муддат ичида, яъни меросни қабул қилмасдан олдин меросхўрларга нисбатан даъво қўзғатилган ҳолатлар на-

зарда тутилмоқда. Агар даъво мерос қабул қилинганидан кейин қўзғатилса, унда судга тааллуқлиқлик умумий ҳолида асосида ҳал этилади, яъни даъво аризаси жавобгарнинг яшаш жойидаги судга берилади.

Қонунда йўловчи, багаж ёки юк ташиш шартномаларидан юк ташувчиларга нисбатан келиб чиқадиган даъвогар белгиланган тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган ҳудудда тақдим этилиши ҳам белгилаб қўйилган.

● **Даъвонинг судга тааллуқлиқлиги тарафларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши**

Судловга тааллуқлиқликнинг ана шу алоҳида ҳолларини истисно этганда, тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун ҳудудий судловга тааллуқлиқлиги ўзгартирилари мумкин (ФПКнинг 243-моддаси), алоҳида ҳолларда судга тааллуқлиқлиги тарафлар ўзаро келишиб ўзгартира олмайдилар.

ҚАРШИ ДАЪВОЛАР

Суд процессида жавобгарда даъвогарга нисбатан қарши даъво қўзғатиш зарурати юзага келиши мумкин. Бунда қарши даъво ўзининг судловга тааллуқлиқлигидан қатъи назар, дастлабки даъво кўриладиган жойида судда тақдим этилади.

(Боши ўтган сонларда.
Давоми бор).

МАЪРИФАТ ДАРСИ

«КАЛИЛА ВА ДИМНА» — НОЁБ ТАРБИЯВИЙ АСАР

«Калила ва Димна» — ҳиндларнинг «Панчатантра» ва «Хитопадеша», «Рамаяна», «Маҳобҳорат», «Малаявинка ҳамда Агнимитра» каби қадимги ҳинд оғзаки ижоди заминидан вужудга келган, адабий ёдгорликларидан биридир. Унинг аниқ ёзилган вақти маълум эмас. Асар шахзодаларга таълим-тарбия беришга мўлжалланган бўлиб, насиҳат руҳида ёзилган. Китобда одамлар орасидаги ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва маънавий масалалар, асосан, маъжозий йўл, яъни ҳайвонлар тилидан икки шоқол (чийабўри) — Калила ва Димна (санскритча Картак ва Дамнако, паҳлавий тилида Калилак ва Димна) мунозараси шаклида баён қилинган.

«Калила ва Димна» китобини VI асрда Эрон шоҳи Хусрав Ануширвон буйруғига биноан, унинг шахсий табиби Барзуя томонидан Ҳиндистондан келтирилган ва паҳлавий тилига таржима қилинган. Китобга ибн аш – Шоҳ ал – Форисий номи билан машҳур бўлган Бехнуд ибн Саҳво муқаддима ёзган. VIII асрда машҳур адиб Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа паҳлавий тилидан арабчага ўгириб, унга қўшимча муқаддима ёзган. Биринчи муқаддимада ёзилишича, Искандар Мақдуний (Александр Македонский) Ҳиндистонни забт этган, ишончли одамларидан бирини шоҳ қилиб тайинлаб, қўшинлари билан Ҳиндистондан узоқлашгач, ҳиндлар бу шоҳга бўйсунушдан бош тортадилар. Кейин уни тахтдан тушириб, ҳинд шахзодалардан бири – Добшалимни шоҳ қилиб кўтардилар. Добшалим муайян даврдан кейин ғурурга берилиб, раиятнинг қайғусини чекмай, уларни хўрлар, ранжитар ва борган сари ҳаддан ошар эди.

Шоҳнинг раиятга қарши бундай адолатсизлигини кўрган билими ва маърифати билан шуҳрат қозонган донишманд, файласуф брахман Бейдабо уни адолат ва тўғрилиқ йўлига қайтариш учун чора излаб, шоҳ билан суҳбат қилади.

«Шоҳ деди: — Эй Бейдабо, сўзла, мен сенинг айтганларингга диққат билан қулоқ осаман, юрагингда нимаики бўлса, ҳаммасини айт, мен сенга шунга лойиқ ҳада берайин.

Бейдабо деди: — Шоҳим, менинг фикримча, инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Савод чиқармоқ, илм таҳсил этмоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақхуққини билмоқ — қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир... Ҳикмат — битмас ва туганмас хазинадур, харжлаганинг билан у камаймайди, асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди. У ниҳояси йўқ роҳатдир... Сенга давлат ва лашкар мерос қолди, лекин зиммангга тушган вазифани уддасидан чиқмаясан, ҳокимиятни қўлга олган шоҳлардан талаб этилган қонун-қоидага риоя қилмаясан. Йўқ сен ҳаддингдан ошдинг, зулм қилмоқдасан, мағрурланиб, раиятга ҳақорат кўзи билан қараб, унга ёмонликни раво кўрасан, жабру зулмингни сон-саногой йўқдир. Ҳолбуки, сенга муносиб бўлган шарафли вазифа — ўз аждодларинг йўлидан бормоқ, сенга мерос қолган савоб ишларни давом эттирмоқ, номингни булғайдиган ишлардан қўл тортмоқ эди. Сен ўз раиятинг додига қулоқ беришинг лозим,

улар учун шундай қонунлар жорий қилмоғинг керак эдики, бу қонунлар хотираларда яшасин, замон ўтган сари сенинг шуҳратингни орттирсин: бу қонунлар абадий сулҳ ва адолат рамзи бўлиб қолсин... бу сўзларни айтишдан мақсад сенинг инъоминг ёки марҳаматингдан умидвор бўлмоқ эмас...»

Бу суҳбатдан кейин шоҳ Бейдабони қатл этишга, кейин эса фикридан қайтиб зиндонга ташлашни буюради. Узоқ муддат ўтганда осмон ҳақидаги бир масалани ҳал этмоқчи бўлганда Бейдабо эсига тушиб, уни чақиртиради ва суҳбат якунида унга бир китоб ёзишни буюради.

Ибн Муқаффа тартиб этган китобдаги муқаддимада Ануширвон топшириғи билан Барзуя ҳаким томонидан «Калила ва Димна» ва бошқа китобларни Ҳиндистондан нусха кўчириб Эронга келтирилгани баён қилинган.

Бузургмеҳр Бухтеқонинг муқаддимасида шундай қайд этилган: «... шундай ҳақиқатни билиш лозимки, фойда китобни ёдлашда эмас, уни тушуна билишидадир. Кимки билмаган ишига ёпишса, унинг аҳволи сўзни ёдлаб олган, лекин маъносини тушунмаган одамнинг аҳволига ўхшайди деб ҳикоят келтиради: Ҳикоя қилибдурларким, бир одам арабча ўрганишни ҳавас қилиб, саводли дўстларининг биридан қизил лавҳа устига бир неча арабча сўзни ёзиб беришни илтимос қилибди. Дўсти ҳам илтимосини бажарибди. У одам араб сўзлари ёзилган қизил лавҳани уйига олиб боради ва унга ҳар замонда қараб қўйиб, ниҳоят, энди у араб тилини жуда яхши билиб олдим, деган фикрга келади. Бир куни мажлисда арабча сўзламоқчи бўлади-да, миси чиқади. Мажлисда бўлганлардан бири унинг хатосини юзига солиб кулади. У одам бундан ғазабланиб: «Мендан хато топа олмайсан — қизил лавҳада шундай ёзилган», — деб жавоб беради...». Бу ҳикоятдан ҳозирги кунда турли диний оқимларнинг мазмун-моҳиятини тушунмай уларга қираётган ёшлар ва уларни тарғиб қилаётганларнинг аҳволига ўхшатиш мумкин.

Дунёдаги барча мавжуд нарсалар, барча жонлилар орасида инсон энг қомил ва улўғ зотдир. Шунинг учун ҳар бир инсон шу юксак номга муносиб бўлиши керак. Мана шу ғоя «Калила ва Димна» китобининг ўзагини ташкил қилади. Асарнинг асосий мазмунини бир-бирини истисно этадиган икки оламдаги муносабатлар ташкил этади. Биринчиси, ақл ва инсоф эгалари, одил ва доно шоҳ, унинг ҳикматли, билимдон, тадбирли аркони давлати; фан, ҳунар ва санъат ахллари; адолат ва раият учун жонини ҳам аямайдиган, қахрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатадиган, қўрқмас ба-

ходирлар. Шунингдек, ақл-идрок, инсоф ва тадбирчанликни ҳар нарсадан устун қўядиган, шулар ёрдами билан энг оғир ва мураккаб масалаларни ҳам ҳал қила оладиган, ҳатто жуда хавфли ва ғоят зўр душманни ҳам енга оладиган вафодор ва садоқатли инсонлар. Иккинчиси эса золим шоҳлар ва уларнинг нопок вазирлари, амалдорларининг палид ишлари, сарой ихтилофлари ва ифлосликлари; қотил ва йиртқич табиатли одамлар ва уларнинг шафқатсизликлари; халқлар тинчлигини бузувчи ва



мамлакатларни харобага айлантирувчи уруш ва ихтилофлар. Яна ҳар нарсани инсонийлик ва ор-номусни, инсоф ва виждонни мол-дунёга сотувчилар; нафси бузуқлиги, очкўзлиги, худбинлиги туфайли ўзгаларни ҳам, ўзларини ҳам фалокат гирдобига ташловчилар, фитначи, қаллоб, мунофиқ, муттаҳамлар ва уларнинг қилмиш-қидирмишлари: Шунингдек, бегуноҳларга ҳар қандай айбни юклаб, маломат тошларини отувчи, ўзлари ҳеч нарсанга арзимайдиган, қўлидан фойдали иш келмайдиган ёки буни хоҳламайдиган, лекин ўзларини бошқалардан юқори қўйиб, ўзларини камситишга, оёқ ости қилишга уринувчи, шу билан кун кўрадиган гийбатчи ва ҳасадчиларни йўқотишга интилиш, яхшиликнинг тантанасини таъмин этишга чорлашдир.

Китобнинг «Шер ва ҳўкиз», «Димна ишининг текширилиши», «Чинкабутар, қарға, сичқон, тошбақа ва оху», «Бойқуш ва қарға», «Зоҳид ва латча», «Шер ва шоқол», «Зоҳид ва меҳмон», «Шахзода ва унинг ўртоқлари ҳақида» ҳамда бошқа бобларида ғоят чигал ва оғир, хилма-хил воқеалар бири-бири билан улашиб кетган.

«... Калила деди: — Айтганларингнинг ҳаммасини тушундим, лекин сен ҳўкизни қандай қилиб ўлдирмоқчисан, ахир унинг кучи сенинг кучингдан ортиқ, ошна-оғайнилари сеникидан кўпдир.

Димна деди: — Сен бунга аҳмият берма, чунки ишнинг муваффақияти жисмоний қувватдан ва кўмакчиларнинг кўллигидан бўлмайди. Оталар, маслаҳат ва тадбир билан қилинган ишни қўл кучи билан қилиб бўлмайди, деганлар. Бир қарғанинг хийла ишлатиб илондан қасос олганини эшитмаганмисан?

Калила деди: — У қандай қасос олган экан?

Ҳикоят. Димна деди: — Бир қарға тоғдаги дарахта ин қурган экан. Унинг яқинида бир илон уяси бор экан. Қарға бола очиши билан

илон унинг болаларини еб қўяверар экан. Бир куни қарға насиҳат қилмоқчи бўлиб илоннинг ёнига келди ва деди: — Ёдингда сақла, шундай масал бор: «Зулм қиличани ишлатган худди шу қиличдан ўзи ҳалок бўлади!»

Қарғанинг бу насиҳати илонга, таъсир қилмади, албатта. Шундан кейин қарға ўз дўсти шоқолнинг ёнига келди ва деди: — Бу золимнинг зулмидан бир илож қилиб қутулмоқчиман.

Шоқол сўради: — Қандай қилиб қутулмоқчисан?

Қарға деди: — Илон ухлаган вақтда тумшугим билан унинг кўзларини ўйиб оламан, зора шундан кейин жондан азиз болаларим унинг балосидан ҳалос бўлсалар.

Шоқол деди: — бу тўғри тадбир эмас, душманга қарши шундай бир тадбир кўрки, ўзингга зарар етмасин. Сен бу фикрингдан воз кеч. Қисқичбақани ўлдирмоқчи бўлган балиқчи қуш каби ўз азиз жонингни ҳалок қилиб қўйма.

Қарға сўради: — У ўзини қандай ҳалок этибди?

Шоқол деди: — Бир балиқчи қуш қўл қирғоғида ўзига уя қилган экан. Истаганича балиқ тутиб ер ва роҳат-фароғатда яшаркан. У қариб қувватдан қолгандан кейин овга ярамай қолибди... «Афсус, умрим тез ўтиб кетди ва қариган чоғда тажрибадан ўзга ҳеч нарсам қолмади. Энди қувватим кетганида бирор йўл топиб, қолган кунларимни кечирим керак», — деб қайғуга ботган ҳолда қўл ёқасига келиб қўнди. Шунда узоқдан қисқичбақа уни кўриб ёнига келди ва сўради:

— Нима бўлди, нега ғамгин кўри-насан?

Қуш жавоб берди: — Нега ғамгин бўлмайин, ўзинг биласан менинг тиркичилигим ҳар куни бирикки балиқ билан ўтарди. Мен шунга қаноат қилиб, ундан ортигини талаб қилмас эдим. Бугун икки овчи бу ердан ўта туриб, бириси деди: — Бу сувда балиқ кўп экан, ов қилайлик. Иккинчиси, фалон сувда балиқ бундан кўпдир, аввал уни овлаб, сўнгра бу ерга келамиз, — деди.

Агар улар қайтиб келишса, бу ердаги барча балиқларни овлаб кетишади. Менга ўлимдан ўзга илож қолмайди.

Қисқичбақа бу сўзни эшитгач, дарҳол бориб ҳамма гапни балиқларга гапириб берди. Балиқлар ҳаяжонга тушиб балиқчи қушнинг ёнига келдилар ва дедилар:

— Биз сендан маслаҳат сўрагани келдик. Агар душманнинг ҳам олди-га келиб, маслаҳат сўрасалар, у бундан бош тортмайман. Тезроқ ҳаракат қилиш керак, овчилар ҳадемай келиб қолишлари мумкин.

Балиқчи қуш деди: — Жуда яхши маслаҳат, бу ердан кўчиш лозим. — Бу иш қанчалик кўп вақт талаб этмасин, мен сизга ёрдам беришдан бош тортмайман. Тезроқ ҳаракат қилиш керак, овчилар ҳадемай келиб қолишлари мумкин.

Балиқлар кўп ялиниб-ёлворишгандан кейин балиқчи қуш ҳар куни улардан бир нечасини олиб бориб ўша атрофдаги бир тепалик устида еб қорнини тўйғазар эди. Қолган балиқлар бир-бирларига ҳасад қилишар, қачон бизга гал келаркин, деб шошилар эдилар. Балиқчи қуш эса уларнинг лақмалигига ҳайрон бўлиб ўз-ўзига дер эди:

— Душманнинг тилёғламалиги-га учиб, унга ишонганларнинг жазоси шунақа бўлади.

Бир неча вақт ўтгандан кейин қисқичбақа ҳам кўчмоқчи бўлди. Балиқчи қуш уни орқасига олиб, балиқлар мазори бўлган ҳалиги тепага қараб парвоз қилди. Қисқичбақа узоқдан жуда кўп балиқ суягини кўриб воқеани англади ва ўз-ўзига деди:

7.00 «ЭВРИКА». Фильм.
7.55, 14.30 Мультсериал.
8.30, 10.30, 17.30, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
9.00, 21.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеди.
10.00 «6 кадров».
11.00 «Я ЛЕЧУ». Драмеди.
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
13.00 «Галилео».
13.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.
16.30 Комедия «ВСЕ ТИПОП, ИЛИ ЖИЗНЬ ЗАКА И КОДИ».
17.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «Галилео».
19.30 «Даешь молодежь!» Комедия.
22.00 Кино «СВЯТОЙ».
0.10 «Даешь молодежь!» Комедия.
1.10 Кино «ДИКАЯ ОРХИДЕЯ».
3.10 Кино «МОТИВЫ».
4.55 Кино «КАЛЬМАР И КИТ».
6.10 Музыка.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00 Мультфильмы.
9.30 Тысяча мелочей.
10.00, 15.00, 22.00 «Вне закона».
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ: СПЕЦОТДЕЛ-4».
11.30 Фильм «ТОЧКА ОТСЧЕТА».
13.30, 20.30 «Самое смешное видео».
14.00 Судебные страсти.
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
16.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК. СПЕЦИАЛЬНЫЙ КОРПУС-6».
18.00 Судебные страсти.
19.30, 2.00 Детектив «НА УГЛУ, У ПАТРИАРШИХ-2».
21.00, 1.00 «Брачное чтение».
23.00 Детектив «СТИЛЕТ-2».
1.30 «Голые приколы».
3.00 Клуб детективов.
5.00 Детектив «ЛАС-ВЕГАС-4».
5.45 Детектив «ДЕТЕКТИВ НЭШ БРИДЖЕС».

СПОРТ

3.45 Футбол. Международный турнир. Финал.
5.45 Вести-спорт.
Телеканал «Бибигон» представляет:
6.00 Зарядка с чемпионом.
6.15, 6.55 Мультсериалы.
6.40 Мастер спорта.
7.15 Зарядка с чемпионом.
7.30 Точка отрыва.
8.00 Вести-спорт.
8.10 Гребля на байдарках и каноэ.
9.25 Страна спортивная.
9.55 Баскетбол. НБА. Сезон 1987-1988. 1/4 финала. «Бостон» - «Атланта».
11.45 Рыбалка с Радзишевским.
12.00 Вести-спорт.
12.10 Футбол. Кубок «Локобол».
12.55 Летний биатлон.
14.10 Бильярд. Гран-при Евразии. Финал.
16.45 Вести-спорт.
16.55 Футбол России. Перед туром.
17.30 Баскетбол. НБА. Сезон 1989-1990. «Кливленд» - «Чикаго».
19.25 Вести-спорт.
19.45 Вести-спорт. Местное время.
19.55 Волейбол. Чемпионат мира-2010. Отборочный турнир. Мужчины. Россия - Германия.
21.45 Футбол России. Перед туром.
22.15 Мировая серия покера.
23.10 Вести-спорт.
23.20 Бильярд.
1.10 Чемпионат мира по водным видам спорта. Синхронное плавание.
2.25 Футбол. Товарищеский матч. «Торонто» - «Реал».

7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05 KOTV: классика бокса.
12.05 Football League Show.
12.35 Море Дайвинга.
13.05, 18.35, 21.05 Диалоги о рыбалке.
13.20 FIBA.
14.05 Мир свободного спорта.
14.35, 19.35 История NHL.
15.05, 20.05 Классика: NHL.
16.05 Volvo Ocean Race.
17.05 Под водой с...
17.20 Бега и скачки.
18.05 Классика: Премьер-лига.
19.05 Экстрим: начало века.
21.20 X-treme 99.9.
22.05 Off-Road Drive.
22.20 Классика: Премьер-лига.
23.05 Пул.
0.05 Покер.
1.05 Планета рыбака.
1.20 X-treme 99.9.
2.05, 3.05, 4.05 Спортмагия.
5.05 Формула успеха.

«O'zbekiston»

06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.10 ТелаТеатр: «Тентак фаришталар»
07.45 «Тонги наволар»
08.00 «Ахборот»
08.35 «Яшил водий сари»
М/ф.
09.35 «Музыка дунёси»
09.55 «Минг бир ривоят»
10.00 «Хидоят сари»
10.20 1. «Рангинкамон»
2. «Дидар»
11.00 «Оналар мактаби»
11.20 Т/с «Туташ тақдирлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 «Очун»
13.20 Т/с «Чорраҳадаги уй»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Азизим»
14.50 «Оқшом» Б/ф.
16.45 «Уйла, Изла, Топ!»
17.30 «Эртақлар – яхшиликка етаклар»
17.50 «Рангин дунё»
18.10 «Саломатлик сирлари»
18.30 Тошкент – 2200. «Бокий Тошкент»
18.40 «Очк дарс». Ток-шоу.
19.20 «ТВ - шифокор»
19.30 «Ахборот». (рус)
20.05 Т/с «Денгиздан томчи»
20.35 «Шарк тароналари»
Халқаро музика фестивали голиблари концерти.
21.00 «Ахборот»
21.40 «КиноТеатр»
22.05 «Ота-оналар учун тузоқ». Б/ф.
00.10 Тунги наволар.

«Uzbekistan»
00.25 Тошкент – 2200. «Бокий Тошкент»
00.50 «Юртим буйлаб» дастури: «Куюшли Улкам»
01.00 «Ахборот». (рус)
01.30 «Ёшлар майдони»
02.00 «Рангин дунё»
02.20 «КиноТеатр»
02.45 Миллий кино: «Кичкина одамлар»
04.00 «Ахборот»
04.35 ТелаТеатр: «Тентак фаришталар»
05.10 «Самарқанд жавоҳири»
05.40 Тонги наволар.

«Yoshlar»
6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Ёшлар майдони»
7.30 «Ракслар гулдастаси»
7.40 «Оила – меҳр булоғи»
7.45 «Муҳаббатим-қисматим». Т/с.
8.20 «Тошкент таронаси»
8.30 «Табассум қил!»
8.40 «Миллий таомлар». Х/ф.
9.00 «Шерюрак». Т/с.
9.50 «UzEX»
9.55 «Тошкент – 2200»
10.00 «ДАВР»
10.10 «Давринг боласи»
10.20 «Тошкент сайри». В/ф.
11.15 «Қувноқ урмонча»
11.30 «Хазиналар ороли». М/ф.
12.50 «UzEX»
12.55 «Истиқлол шухуҳи»
13.00 «ДАВР»
13.10 «Давринг боласи»
13.20 «Мультипанома»
13.30 «Китоб – офтоб»
13.40 «Хакқуш». Т/с.
14.25 «Истиқлол шухуҳи»
14.30 «Ёшлар майдони»
15.00 «Тараннум»
15.40 «Стоунхенж». Х/ф.
15.55 «Тошкент таронаси»
16.00 «ДАВР»
16.10 «Давринг боласи»
16.20 «Болалар табассуми»
16.30 «Эртақлар оламида»
17.40 «Суви асранг!»
17.50 «Чемпион»
18.10 «Муҳаббатим-қисматим». Т/с.

18.55 «18 ёшинг муборак!»
19.00 «ДАВР»
19.30 «Хакқуш». Т/с.
20.20 «Айланай...»
20.40 «13-студия»
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ватан меҳри»
22.00 «ДАВР»
22.30 Жаҳон киноси: «Ер остига саяҳат-2»
00.00 «Тунги парвоз»
00.30 «Кунгил»
00.35 «Орт тинчлиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт»
8.35 «Муҳаббат қаҳваси»
Т/с.
9.20 «Карвонсарой»
9.30 «Пойтахт»
9.40 «Тошкент – 2200»
9.45 «Интервью»
10.00, 17.55, 21.55 «Телекурер-маркет»
10.20 «Саломат булинг!»
10.30 «Пойтахт». (рус)
10.40 «Милагрос». Т/с (рус)
11.10 «Тошкент – 2200»
11.15 «Бойвачча Рич». Б/ф.
12.50 «Афиша»(рус)
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм хақида». (рус)
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
16.10 «Тошкент – 2200»
16.15 «Кинотакдим»
16.45 «Хатготлик санъати»
Т/ф.
17.00 «Мулоҳаза учун мавзу»
17.30 «Хуқуқшунос маслаҳатчи»
17.35 «Афиша»
17.45 «Карвонсарой»
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги олдидан. «Истеъдод»
18.30 «Пойтахт»
18.50 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт»
19.45 «Репортаж»
19.55 «Тошкент – 2200»
20.00 «Пойтахт». (рус)
20.20 «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили». Давлат дастурининг ихроси юзасидан «Тошкент ва тошкентликлар»
21.00 «Ачқик ёлгон». Т/с.
21.30 «Пойтахт»
22.20 Индийское кино: «Ты и я». Х/ф 1-2серии.

«Sport»
8.00 «Бодро утро»
8.50 «Тет-а-тет»
9.00 «Хабарлар». (рус)
9.25 «Жасур болалар»
10.00 «Хабарлар»
10.25 Футбол. «Локомотив» - «Кизилкум»
12.00 «Военное дело»
12.20 «Рондо». Ток - шоу.
13.05 «Файтер»
13.35 Экстремал спорт мусобақаси: «Полвонлар беллашуви»
18.00 «Соғлом оила»
18.30 «Хабарлар». (рус)
18.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал.
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига: «Ўзбек спортининг 18 фасли» (Корақалпоғистон Республикаси).
21.30 «Хабарлар»
21.55 Интерфутбол.
23.30 «РИНГ»
00.00 «Тунингиз осуда булинг!»

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00, 14.00 Новости.
5.10 Фильм «Сереза»
6.25 Комедия «Посмотри, кто говорит»
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.10 Мультфильм.
9.15 Смак.
10.00 Фильм «08.08.08. Война в прямом эфире»
11.10 Фильм Антона Верницкого «Испытание Китаем»
12.10 «Спецназ». Фильм.
15.20 Юбилейный концерт группы «Любэ»
16.50 «Спецназ». Фильм.
18.50 Фильм «Цхинвал. Жизнь после войны»
20.00 «Время»
20.15 Фильм «Олимпиад Инферно»
21.50 «08.08.08. Война в прямом эфире»
22.55 Фильм «Лабиринт Фавна»
0.55 Фильм «Жюстин»
3.00 Фильм «Добро пожаловать в Муспорт».

«Россия»

4.35 Детектив «Тайна виллы»
6.30 Сельский час.
7.00 Вести.
7.20 Субботник.
8.00 Мультфильмы.
10.00 Вести.
10.20 «Я шагаю по Москве. Геннадий Шпалыков»
11.20 Фильм «Сосед»
13.00 Вести.
13.30 Детектив «Ларец Марии Медичи»
15.15 Субботний вечер.
17.10 Телесериал «ВСЕГДА ГОВОРИ «ВСЕГДА»-2»
19.00 Вести.
19.15 «Цхинвал. Больше никто не умрет»
20.40 Фильм «Ванечка»
22.50 «Валерий Гергиев. Сумерки Богов»
23.45 «Вам, живым и погибшим, тебе, Южная Осетия». Концерт.
0.50 Боевик «На гребне дабуны волны»
3.15 Фильм «Тринадцать».

НТВ

4.35 Комедия «КОСМИЧЕСКИЙ ДЖЕМ»
5.50 Мультсериал.
6.30 Сказки Баженова.
7.00, 9.00, 12.00 15.00, 18.00 Сегодня.
7.15 «Золотой ключ»
7.45 Их нравы.
8.25 Смотр.
9.20 Главная дорога.
9.55 «Кулинарный поединок»
11.00 Квартирный вопрос.
12.25 Особо опасен!
13.00 «ФЕЛИКС ДЗЕРЖИНСКИЙ». Д/ф.
14.05 Своя игра.
15.20 РЕПОРТЕР К.ГОРДЕВА. Лучшие фильмы.
16.10 Детективный сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК»
18.25 «Русские сенсации»
20.00 Фильм «ЗАПРЕТ НА ЛЮБОВЬ»
22.00 «Русская тюрьма вчера и сегодня»
22.35 «БЕСКОНЕЧНАЯ ЛЮБОВЬ». Концерт А. Серова.
0.25 Комедия «НЕЗВАННЫЕ ГОСТИ»
2.50 Комедия «ДВАДЦАТЬ ЧУДЕСНЫХ ЛЕТ»
3.15 Сериал «АЭРОПОРТ».

ТВ 3

7.00 Д/ф «Супервулкан»...
8.00 Мультфильмы.
11.00 Х/ф «ИВАН ДА МАРЬЯ»
13.00 «ДОСЬЕ ДЕТЕКТИВА ДУБРОВСКОГО». Телесериал.
15.00 Д/ф «Супервулкан»
16.15 Д/ф «Нечистая сила»
17.30 Х/ф «ХРОНИКИ РИДИКА»
20.00 Д/ф «Городские легенды. Москва. Марьяна роша»
21.00 Х/ф «БИБЛИОТЕКАРЬ-2: ВОЗВРАЩЕНИЕ В КОПИ ЦАРЯ СОЛОМОНА»
23.00 Х/ф «ДВОЙНОЕ ВИДЕНИЕ»
1.30 Х/ф «УЛИЧНЫЙ БОЕЦ-2»
3.30 Х/ф «ТАЙНА ОСТРОВА ЧУДОВИЩ»
5.30 Комната страха.
6.00 Релакс.

СТС

7.00 «СИЛА ОДНОГО». Х/ф.
8.45 Мультфильмы.
10.00 Кино «КОНАН-РАЗРУШИТЕЛЬ»
12.00 «Галилео»
13.00 «Все по-взрослому»
14.00 «Утиные истории». Мультсериал.
15.00 «Король Лев. Тимон и Пумба». Мультсериал.
16.00 «Лило и Стич». Мультсериал.
17.00 «6 кадров». Комедия.
17.30 «6 кадров». Комедия.
18.10 Кино «СЧАСТЛИВЫЙ СЛУЧАЙ»
20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ»
22.00 Кино «ФРАНЦУЗСКИЙ ПОЦЕЛУЙ»
0.00 «6 кадров». Комедия.
1.00 Кино «ИГРЫ ДЖЕНТЛЬМЕНОВ»
2.55 Кино «ФОРМУЛА ЭДЕМА»
4.50 Кино «МИССИЯ СПАСЕНИЯ»
6.20 Музыка.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00, 14.30 Чудеса со всего света.
9.00 Тысяча мелочей.
9.30 Мультфильмы.
12.30 Фильм «ВСЕГО ОДНА НОЧЬ»
15.30 Фильм «НУ, ТЫ И ПРИДУРОК»
17.30 Детектив «ОПЛАЧЕНО СМЕРТЬЮ»
18.30 Детектив «ОПЛАЧЕНО СМЕРТЬЮ»
19.30, 1.30 «Смешнее, чем кролики»
20.00, 1.00 «Брачное чтение»
21.00 Фильм «ДЖОКЕР»
23.00 Детектив «СТИЛЕТ-2»
0.00 Детектив «СИ: МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬЮ-ЙОРК-3»
2.00 Фильм «НУ, ТЫ И ПРИДУРОК»
4.00 Клуб детективов.
6.00 Фильм «ПЛЕЙБОЙ ИЗ КАЛИФОРНИИ»

СПОРТ

4.25 Страна спортивная.
4.55 Современное пятиборье. Чемпионат Европы.
6.00 Вести-спорт.
6.10 Волейбол. Чемпионат мира-2010. Отборочный турнир. Мужчины. Россия -

Германия.
8.00 Вести-спорт.
8.15 Летопись спорта.
8.50 Профессиональный бокс. Келли Павлик (США) против Бернарда Хопкинса (США).
10.00 Футбол. Товарищеский матч. «Торонто» - «Реал»
12.00 Вести-спорт.
12.10 Футбол России. Перед туром.
12.45 Баскетбол. НБА. Сезон 1992-1993. Финал. «Финикс» - «Чикаго»
14.55 Футбол. Суперкубок Италии. «Лацио» - «Интер». Прямая трансляция из Китая.
17.00 Вести-спорт.
17.15 Футбол. Премьер-лига. «Москва» (Москва) - «Рубин» (Казань). Прямая трансляция.
19.50 Вести-спорт.
20.15 Волейбол. Чемпионат мира-2010. Отборочный турнир. Мужчины. Россия - Бельгия. 22.15 Регби. «Кубок трех наций». ЮАР - Австралия.
0.10 Вести-спорт.
0.20 Бильярд. Гран-при Евразии. Финал. Трансляция из Украины.
2.35 Профессиональный бокс. Виктор Оганов (Россия) против Андре Диррелла (США).
3.30 Летопись спорта.

7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей»
11.05 Евросерия F-3. Обзор 5-го этапа (Ошерслебен, Германия).
11.35 Чемпионат Европы по триалу на грузовиках. Этап № 4.
12.05 DTM. Обзор 5-го этапа.
12.35 Планета рыбака.
13.05 Кубок Porsche Carrera. Обзор 5-го этапа.
13.20 Спидвей. 6-й этап. Гран-при Латвии. Обзор.
14.05 Superstars Championship 2009. Обзор 5-го этапа.
14.35 Кубок Volkswagen Polo. Обзор 5-го и 6-го этапа.
15.05 Суперкубок Seat Leon. Обзор 5-го этапа.
15.20 Маунтинбайк.
16.05 WTCC 2009.
17.05 Автоспорт России.
17.20 Racing World.
18.05 Классика: Премьер-лига. «Manchester Utd.» - «Sheffield Wedn».
18.35 Основной инстинкт.
19.05 Мир свободного спорта.
19.35 История NHL.
20.05 Классика: NHL.
21.05 Диалоги о рыбалке.
21.20 Экстрим: начало века.
22.05 За пределом.
22.20 Классика: Премьер-лига. «Manchester City» - «Sunderland».
23.05 Пул.
0.05, 1.05 X-treme 99.9.
1.35 Спортивная неделя Подмосковья.
2.05, 3.05, 4.05 Спортмагия.
5.05 Формула успеха.

«O'zbekiston»

05.55 Курсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Иқлим».
07.05 Миллий кино: «Умид-бахш кун».
07.50 «Тонгги наволар».
08.00 «Ахборот».
08.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
08.35 «Бизнинг кутубхона».
08.45 «Спирит - Симаррон оти». М/ф.
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир хунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
11.20 «Оҳанрабо».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 «Очк дастурхон».
13.35 «Кинотақдим».
14.00 Ҳинд киноси: «Ёмғирлар мавсуми».
«Болалар сайёраси»:
16.25 «Ажойиб кунгирокча». М/ф.
16.45 ТВ - анонс.
16.50 «Ҳамон ёдимда...»
17.30 Миллий кино: «Кичкина табиб».
19.00 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар».
19.30 «Тахлилнома». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Денгиздан томчи».
20.35 «Кўнгил қушиқ истайди».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Тахлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Харвининг сунги имконияти». Б/ф.
00.15 Тунги наволар.
«Uzbekistan»
00.20 Курсатувлар дастури.
00.25 «Очк дастурхон».
01.00 «Тахлилнома». (рус).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Токшоу.
02.15 «Оҳанрабо».
02.55 «Ҳамон ёдимда...»
03.35 «Кинотақдим».
04.00 «Тахлилнома».
04.40 Миллий кино: «Қор қуйида лола».
05.45 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» салони.
7.00 «Якшанба нонуштаси».
7.20 «Рақслар гулдастаси».
7.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
8.00 Киноклассика: «Бриллиант қул».
9.35 «Тошкент - 2200».
9.40 «Соғлиқ - бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Оила - меҳр булоғи».
11.30 «Дон Кихот». М/ф.
12.50 «Тошкент таронаси».
13.00 «Ўзбегим матолари».
13.20 «Yoshlar-FM»
13.40 «Ҳаққуш». Т/с.
14.25 «Истиклол шуқуҳи».
14.30 «Инсон психологияси».
15.00 «Маслаҳат». Ҳажвия.
15.30 «Тошкент - 2200».
15.40 «Айлана...»
16.00 «Камолот хабарлари».
16.10 «Жумонг». Т/с.
17.20 «Тошкент таронаси»

17.30 «Нексия». Спектакль.
18.50 «Ватан меҳри».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рузгор мактаби».
20.00 «Гараннум».
20.40 «KINOMANIYA».
21.10 Ҳинд киноси: «Дунё».
23.45 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Курсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Т/с.
9.20 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкент - 2200».
9.45 «Репортаж».
9.55 «Анонс»
10.00 «Телекуррьер-маркет».
10.20 «Афиша».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Анонс».
10.45 «Истеъдод».
11.00 «Уч бақалоқ». Б/ф.
12.30 «Тошкент - 2200».
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «От йиғлаган томонда». Йулдош Охунбобоев номдаги ёш томошабинлар театрининг спектакли.
15.50 «Карвонсарой».
16.00 Тошкент шахрининг 2200 йиллигига: «Онаҳон шахрим».
16.25 «Анонс».
16.30 «Телекуррьер-маркет».
16.50 «Болаликка қайтиб».
17.10 «Ўпқон». Б/ф.
19.35 «Анонс».
19.40 «Телекуррьер-маркет».
20.00 «Кинотақдим».
20.25 «Тошкент - 2200».
20.30 «Нима учун?»
21.10 «Анонс».
21.15 «Тошкент оқшомлари».
21.45 «Туризм ҳақида». (рус).
22.15 «Кино SMS со звёздами». «Дом из песка и тумана».
«Город ангелов».
«Девушка с жемчужиной сережкой».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар». (рус).
9.20 «Кувнок стартлар».
10.00 «Хабарлар».
10.25 «ГОЛ».
11.25 «Аёл ифори».
12.05 «Аптека слушает».
12.50 «АВТОграф».
13.15 Интерфутбол.
18.00 «Клоун Кири»/Мультфильм.
18.05 Тошкент шахрининг 2200 йиллиги: «Тошкент - спорт шаҳри».
18.30 «Версия».
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.30 «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»/га: «Вилотат спорти».
20.30 «Профринг».
21.30 «Талкин».
22.05 Интерфутбол.
23.40 Тунингиз осуда бўлин!»

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости.
5.10 Фильм «Четвертый папа».
5.45 Фильм «В мертвой петле».
7.10 Смак.
7.45 «Служу Отчизне!».
8.15 «Играй, гармонь любимая!».
9.10 Мультфильмы.
9.15 «Непутевые заметки».
9.30 «Пока все дома».
10.20 Фазенда.
11.30 «Сокровище нации».
12.30 «КВН».
14.05 «Юрий Никулин. О грустном и смешном».
15.10 «Две звезды». Лучшее.
18.00 Футбол. Чемпионат России. XVII тур. «Крылья Советов» - «Локомотив».
20.00 «Время».
20.20 «Большая разница».
21.25 Премьера. «Рубик Всемогущий».
22.20 Фильм Франсуа Озона «Ангел».
0.40 Комедия «Доверься мужчине».
2.20 «Борьба с террором».

«Россия»

5.10 Мультфильм.
5.35 Фильм «Сорок первый».
7.25 Фильм «Властины шторма».
10.00 Вести.
10.50 Фильм «Мужская интуиция».
13.00 Вести.
14.20 «Честный детектив».
14.50 «Смеяться разрешается».
17.05 Телесериал «ВСЕГДА ГОВОРИ «ВСЕГДА»-2».
19.00 Вести.
19.15 Фильм «Синяя Борода».
21.15 Фильм «Молчун».
23.05 Боевик «Смертельное оружие - 3».
1.35 Детектив «Петля».

НТВ

4.15 Боевик «КРАСНЫЙ ЗМЕЙ».
5.45 Мультсериал.
6.25 «Дикий мир».
7.00; 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
7.15 Лотерея «Русское лото».
7.45 Их нравы.
8.25 Едим дома.
9.20 Спасатели.
9.50 «Quattroruote».
10.20 Борьба за собственность.
11.00 Дачный ответ.
12.20 Фильм «БОЛЬШАЯ СЕМЬЯ».
14.05 Своя игра.
15.20 РЕПОРТЕР К.ГОРДЕВА. Лучшие фильмы.
16.10 Детективный сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК».
18.25 Чистосердечное признание.
19.00 Фильм «ГОНЧИЕ-2: ОХОТА НА НЕВИДИМКУ».
22.40 «Русская тюрьма вчера и сегодня».
23.10 «Quattroruote».
23.45 Детектив «ПРОФЕСИОНАЛЫ».
1.35 Фильм «ЦЕНА СЛАВЫ».
3.45 Комедия «ДВАДЦАТЬ ЧУДЕСНЫХ ЛЕТ».
4.10 Сериал «АЭРОПОРТ».

ТВ 3

7.00 Д/ф «Супервулкан».
8.00 Мультфильмы.
8.30 Мультфильм «Человек-паук».
11.00 Х/ф «ПЕРЕХВАТ».
13.00 Т/с «ДОСЬЕ ДЕТЕКТИВА ДУБРОВСКОГО».
15.00 Д/ф «Супервулкан».
16.00 Х/ф «БИБЛИОТЕКАРЬ-2: ВОЗВРАЩЕНИЕ В КОПИ ЦАРЯ СОЛОМОНА».
18.00 Х/ф «ОГНЕННЫЙ СМЕРЧ».
20.00 Д/ф «Городские легенды. Москва. Река Неглинка».
21.00 Х/ф «ТОЧКА ПРЕРВАНИЯ».
23.00 Х/ф «ПЛОТЬ И КРОВЬ».
1.45 Х/ф «КРОВЬ: ПОСЛЕДНИЙ ВАМПИР».
2.45 «Покер после полуночи».
4.45 Х/ф «УКУШЕННЫЙ».
6.45 Релакс.

СТС

7.00 «НЕОБЫЧАЙНАЯ ОТВАГА». Х/ф.
9.00 Мультфильмы.
12.00 «Галилео».
13.00 «Снимите это немедленно!»
14.00 Комедия «ШАГ ЗА ШАГОМ».
15.30 «Приключения Тома и Джерри». Мультсериал.
16.00 «Чип и Дейл спешат на помощь». Мультсериал.
17.00 «6 кадров». Комедия.
18.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
19.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».
21.00 «6 кадров». Комедия.
22.00 Кино «МОЛЧАНИЕ ЯГНЯТ».
0.15 «6 кадров». Комедия.
1.00 Кино «ЗАВОДИЛА».
3.00 Кино «МЕСТЬ БЕДНЯКА».
5.45 «ЗАВТРА НАСТУПИТ СЕГОДНЯ». Фильм.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.
7.55 Музыка.
8.00, 14.30 Чудеса со светом.
9.00 Тысяча мелочей.
9.30 Мультфильмы.
12.30 Фильм «ТОЧКА ОТСЧЕТА».
15.30 Х/ф «ВЫШИБАЛА».
17.30 Детектив «ОПЛАЧЕНО СМЕРТЮ».
18.30 Детектив «ОПЛАЧЕНО СМЕРТЮ».
19.30, 1.30 «Смешнее, чем кролики».
20.00 «Брачное чтение».
21.00 Фильм «БРИЛЛИАНТЫ ДЛЯ ДИКТАТУРЫ ПРОЛЕТАРИАТА».
22.40 Фильм «БРИЛЛИАНТЫ ДЛЯ ДИКТАТУРЫ ПРОЛЕТАРИАТА».
0.00 Детектив «CSI: МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ НЬУ-ЙОРК-3».
1.00 «Брачное чтение».
2.00 Х/ф «ВЫШИБАЛА».
4.00 Клуб детективов.
6.00 Фильм «ПЛЕЙБОЙ ИЗ КАЛИФОРНИИ».

СПОРТ

4.00 Футбол. Суперкубок Италии. «Лацио» - «Интер».
6.00 Вести-спорт.
6.10 Волейбол.
8.00 Вести-спорт.
8.10 Вести-спорт. Местное

время.
8.15 Страна спортивная.
8.40 Футбол. Кубок «Локобол».
9.30 Регби. «Кубок трех наций». ЮАР - Австралия.
11.25 Летопись спорта.
12.00 Вести-спорт.
12.10 Профессиональный бокс. Рикардо Уильямс (США) против Даиро Эсейласа (Колумбия).
13.10 «Из коллекции телеканала «Спорт». Баскетбол. НБА. Сезон 1997-1998. Финал. «Юта» - «Чикаго».
14.55 Волейбол. Чемпионат мира-2010. Отборочный турнир. Мужчины. Россия - Финляндия.
16.50 Вести-спорт.
17.00 Бильярд. «Кубок Пальмиры». Финал.
19.30 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА - «Амкар».
21.30 Вести-спорт.
21.50 Вести-спорт. Местное время.
21.55 Футбол. Товарищеский матч. «ДС Юнайтед» (США) - «Реал» (Мадрид, Испания).
23.55 Вести-спорт.
0.05 Баскетбол. НБА. Сезон 1997-1998. Финал. «Юта» - «Чикаго».
1.50 Волейбол. Чемпионат мира-2010. Отборочный турнир. Мужчины. Россия - Финляндия.

7 ТВ

6.00 Super-утро.
11.00, 12.00, 21.00, 22.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».
11.05 КОТ/к классика бокса.
12.05 Спортивная неделя Подмосковья.
12.20 Предельная глубина.
12.35 Море Дайвинга.
13.00 Мир подводной охоты.
13.10, 13.30 Диалоги о рыбалке.
13.40 Под водой с...
14.00 Планета рыбака.
14.10 Основная инстинкт.
14.30 Off-Road Drive.
14.40 Клуб покорителей пространства.
15.00 Cliff Diving.
15.30 Чемпионат Европы по триалу на грузовиках. Этап № 4.
15.40 Евросерия F-3. Обзор 5-го этапа.
16.10 DTM. Обзор 5-го этапа.
16.40 Спидвей. 6-й этап. Гран-при Латвии. Обзор.
17.10 Superstars Championship 2009. Обзор 5-го этапа.
17.40 Кубок Porsche Carrera. Обзор 5-го этапа.
18.00 Кубок Volkswagen Polo. Обзор 5-го и 6-го этапа.
18.10 Суперкубок Seat Leon. Обзор 5-го этапа.
18.30 Футбол. Суперкубок Англии. Превью.
19.00 Футбол. Суперкубок Англии. «Manchester United» - «Chelsea».
21.05 Volvo Ocean Race.
22.05 Wrestling: опасная зона.
22.35 IndyCar. 13-й этап: Mid-Ohio Indy 200.
1.05 Покер.
2.05, 3.05, 4.05 Спортмания.
5.05 Формула успеха.

УМИДЛИ СПОРТЧИЛАРИМИЗ

ЎЗИ ЁШ, ЁШЛАРГА УСТОЗ

Бахтиёр эрталаб бадантарбия машқларини бажарганидан кейин нонушта қилиб, севимли иши томон ошиқди. Унинг ҳаёти спорт билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун у севимли машғулоти – ёшларга тазквондо сирларидан сабоқ беришдан чарчамайди. Бугун шогирдларига тазквондонинг яна бир усулини ўргатишга аҳд қилган. Бахтиёр фусункор пойтахт манзараларини томоша қилиб бораркан, ана шундай азим шаҳарда яшаётганидан дилида гурур туйди.



дейли Б. Исроилов. — Айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кўплаб спорт иншоотлари, кўркам мажмуалар эртаимиз эгалари ихтиёрига топширилмоқда. Бу эса аста-секин ўз мевасини бермоқда. Мен мурраббийлик қилаётган тўғарақда 80 га яқин болалар тазквондо бўйича шугулланишади. Улардан умидимиз катта. Таъкидлаш жоизки, болаларнинг аксарияти келажакда ички ишлар идоралари ходими ёки ҳарбий бўлиш орзусида. Уларда она-Ватанга хизмат қилиш, унинг шону шавкатини юксакка кўтаришга бўлган иштиёқ кучли.

Венесия шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида WASCO йўналиши бўйича 64 килограмм вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Жорий йилнинг май ойида Хорватияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ҳам WASCO йўналишида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Иқтидорли спортчи тинмай изланишда, яъни ўзининг медаллари шодасини кўпайтириш ҳаракатида. Қаҳрамонимиз «Жар»

Устозимиз Бахтиёр акадан кўп нарсани ўргандим, — дейди Жаҳонгир Аъзамов. — Машғулотларга ўз вақтида қатнашиш зарурлигини ўқтирадилар. Мурраббийимдан ўрганганларимни нуфузли мусобақада қўллаб келмоқдаман. Яқинда Хорватияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, усмирлар ўртасида 57 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритдим. Шунингдек, Халқаро Амир Темури турнири совриндори бўлдим. Келажакда бундан-да юксак натижаларга эришишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, аниқ мақсад сари интилган киши албатта, муродиға етади. Лавҳамиз қаҳрамони Бахтиёр Исроиловнинг ҳаракатлари дидил, интилишларида эзгу ният зоҳир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.
Суратда: Б. Исроилов шогирдлари билан.

ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионатида ғолиб бўлди. Орадан бир йил ўтиб яна республика чемпиони деган шарафга сазовор бўлди. 1999 йили Санкт-Петербург шаҳрида Европа очик чемпионатида бронза медалини қўлга киритди. Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида (2002 йил) ташкил этилган Марказий Осиё чемпионатида ҳам Бахтиёр Исроилов барча рақибларидан устун эканлигини исботлади. 2005–2007 йиллар



«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуидаги фавворалар кишига ҳузур бағишлайди. Бахтиёр спорт залига кирганида беш ёшли жажжи Музроббек машқ бажарётган экан. Секин унинг ёнига келди, қўлни тўғри тутиш лозимлигини ўқирди...

Спорт устаси, қора белбоғ 4-ДАН соҳиби Бахтиёр Исроилов пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида таваллуд топган. Болалигидан спортга меҳри баланд бўлиб улғайди. Ўртанча ўғлидаги спортга қизиқишни пайқаган отаси Абдуғафур Исроилов ўз вақтида уни қўллаб-қувватлади. Бахтиёр мактабнинг туртинчи синфида ўқиб юрган кезлари спорт тўғрисида қатнашиб, Ҳикматила Аҳмедовдан тазквондо сирларини кўн билан ўргана бошлади. Ўн бир ёшида тазквондо бўйича шаҳар биринчилиги баҳсида имкониятни бой бериб қўйди. Бу мағлубият унга катта сабоқ бўлди. Дарслардан сўнг машғулотларга қатнашиш бироз қийинчилик тугдирган бўлса-да, ёш спортчи барчасини магонат билан енгишга, мунтазам маҳоратини оширишга астойдил ҳаракат қилди. Ва бу аста-секин ўз натижасини бера бошлади. 1997 йили

ҳам Бахтиёр учун омадли келди. Сочи шаҳрида тазквондо бўйича МДХ давлатлари халқаро турнирида биринчи ўринни эгаллади. Ўтган йили эса моҳир спортчимиз Италиянинг

спорт-соғломлаштириш мажмуасининг тазквондо тўғрисида ёш спортчиларга сабоқ бермоқда.

— Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилёттир, —

КҮРИК-ТАНЛОВ

Яқинда Жиззах вилояти ИИБда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг касбий, жанговар ва жисмоний хизмат тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

КАСБИЙ МАҲОРАТ — ҚАЛБГА ҲАРОРАТ

Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ходимларидан иборат жамоалар иштирок этдилар.

Кўрик-танловнинг тантанали очилиш маросими Жиззах шаҳридаги «Сўғдиёна» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда республика ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти, вазирлик масъул ходимларидан иборат ҳакамлар хайъати иштирок этди.

Мусобақанинг биринчи кунинида иштирокчилар йўл ҳаракати қоидаларидан имтиҳон, меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш юзасидан тест топширишди. Шунингдек, ходимларнинг жанговар қуролдан ўқ отиш борасида тайёргарликлари синовдан ўтказилди.

Беллашувларнинг иккинчи кунинида иштирокчилар спортнинг қўл жанги, 100 ва 3000 метрга югуриш бўйича куч синашдилар. Танловнинг ушбу шартларида барча иштирокчиларнинг юқори даражада тайёргарлик қурганликлари яққол сезилиб турди.

Мусобақа сўнггида йўл-патруль хизмати ходимлари светофор ва тартибга солувчи ишо-

раларни қўллаш бўйича амалий машқларни бажаришди.

Кўрик-танлов якунига кўра, жамоалар бўйича биринчи ўринни Жиззах вилояти ИИБ ИХХБ вакиллари қўлга киритди. Иккинчи ўринга Навоий вилояти ИИБ жамоаси сазовор бўлди. Учинчи ўрин эса Тошкент шаҳар ИИББ вакиллариға насиб этди.

Шунингдек, автомобилни фигурали бошқаришда Хоразм вилояти ИИБ вакили Бекзод Курбонов, «Калашников» автоматидан ўқ отишда энг яхши кўрсаткичга эришган Бухоро вилояти ИИБ вакили Зайниддин Муродов, «Макаров» тўппончасидан ўқ отишда Тошкент шаҳар ИИББ вакили Жамшид Файзиев, 100 метрга югуриш бўйича Жиззах вилояти ИИБ вакили Дийёр Эгамбердиев, 3000 метрга югуриш бўйича Фарғона вилояти ИИБ вакили Зохиджон Сатторов, тўсинда тортилиш бўйича Хоразм вилояти ИИБ вакили Алишер Аннаҳасановлар алоҳида эътироф этилди.

Ғолибларга совринлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳодир БЕГИМКУЛОВ,
майор.

Жиззах вилояти.



Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.

СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

«РАДАРГА ТУШИБ ҚОЛМА»



Газетамизнинг 29-сонидан берилган ҳазил-суратга йўлланган изоҳлар бир-бирдан қизиқарли бўлди. Бу галги изоҳларнинг «чўғи» озроқ бўлса-да, лойиҳамизнинг доимий иштирокчиларига раҳмат айтамыз ва изоҳларни таништиришда давом этамыз. Фаол мухлисимиз — жиноят ишлари бўйича Шовот туман суди ходими Р. Қурбонбоев бу гал ҳам шеърый шаклдаги тўртликлари билан иштирок этди.

Янги олган машинанг,
Дустим жуда зўр экан.
Менда велосипед ҳам йўқ,
Пешонагинам шўр экан.

Қандай маза дўстинг билан,
Машинада сайр қилсанг.
Тоза ҳавода юриш,
Соғлиққа фойда билсанг.
Янгийўллик Э. Илғорзода ҳам бизнинг фаолларимиздан ҳисобланади.

Қўларим рулда,
Қўларим йўлда,
Машинада сайр қилиш,
Жуда ҳам зўрда.

Навоий шаҳар ИИБ ЖИЭМ ходими, подполковник Р. Бекмуродовнинг изоҳи эса янада қизиқарли: Эркалигинг, тантиқлигинг Нозларингдан кўп толдим,
Пардоз-андоз қилгунингча,
Яна тўйга кеч қолдим.

Иштихон тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмаси ходими Нурмурад Турдиев ит тилидан: «Айтчи, Бўрибосар ҳозир йўлдан икки бўлак суяк чиқиб қолса тўхтарминг?» дебди.

Тўртқўл туманидан Алишер Матёкубов эса «Олапар секинроқ ҳайда, радарга тушиб қолмайлик тагин», тошкентлик Абдували Мамазияев эса ҳазил-суратни киракашлар тилидан «Бензин нархи

ошиди, дўстим, айтган манзилгингизгача икки минг сўм бўлади» дея изоҳлади. Сурхондарёдан Чоршанби Аҳмедов «Машинам Мерседесдан қолишмайди» деб ёзибди.

Азиз мухлислар! Қуйидаги ҳазил-суратга ҳам қизиқарли сўз ўйинлари, кулгили иборалар юборасиз деган умиддамиз. Марҳамат, кулинг ва кулдилинг.

Бунисига нима дейсиз?!



Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 254-37-91 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.

Табриклаймиз!

Республика ИИБ Ахборот маркази бўлим бошлиғи, подполковник **Хушвақт ХУДОЁРОВ**ни туғилган куни билан самимий қутлаймиз. Қадрдон дўстимиз ва ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, шарафли ҳамда машаққатли хизматида улкан зафарлар, оилавий хотиржамлик, бахт ва омад тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

Эхтиром ила бир гуруҳ дўстлари ва ҳамкасблари.

Республика ИИБ ЁХББ Навоий кон-металлургия комбинати ЁХТБ бошлиғи, полковник **Асад ПҮЛАТОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамыз. Унга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, раҳбарлик фаолиятида омад ёр бўлишини ҳамда оилавий хотиржамлик тилаймиз. Хонадонидан файз, рўзгоридан барака аримасин.

Республика ИИБ ЁХББ Навоий кон-металлургия комбинати ЁХТБ катта муҳандиси, подполковник **Зокир БОЕВ**ни туғилган куни билан қизгин қутлаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, хизматда омад, ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файз, рўзгоридан барака аримасин.

Бошқарма раҳбарияти, шахсий таркиби, фахрийлар кенгаши.

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

(Давоми. Боши ўтган сонда).

— Раҳмат, раҳмат. Мен ўзим... — деди довираб қолган уй соҳиби.

Ойсанам бир зумда унинг ёнида пайдо бўлиб, қизиқиш билан қоғозларини ўқий бошлади.

— Ҳаммасини ўзингиз ёзганмисиз? Нималар ҳақида булар? Сиз ёзувчмисиз? — сўради у.

Унинг болалар сингари кетма-кет саволлар бериши домлани ийдирди. Аввалига унчалик рўйхуш бермаган эди. Энди қизнинг билимга чанқоқлиги, содда-беғуборлиги, мафтункор жилмайиши олдида таслим бўлди. Улар анча суҳбатлашиб ўтиришди. Ойсанам жуда ўқишни исташи, ҳатто шуни деб, ота-онасининг раъйига қарши боргани, пойтахтда кўплаб қийинчиликларни бошидан ўтказганини гапириб бераркан, домла қизнинг иродаси, қатъийлигига қойил қолди. Айниқса, ўқиш орзусида одамларга ёлланиб ишлашдан ҳам ор этмаслиги, оғир меҳнатдан сўнг мижжа қоқмай, китоб ўқиб чиқиши, имтиҳонларга тайёрланаётганини айтганда домланинг меҳри товланиб кетди бу қизга.

— Сиздан ўтинаман, менга ёрдам беринг! Ул-бул юмушларингиз бўлса, бегонани қидирмай менга айтаверинг. Мен кўпроқ пул ишлашим керак, — дея кўзига ёш олди у суҳбат ярмида.

Шаҳарга қайтиб, эртаси кун ҳам ёлланиб ишлайдиган аёлларни олиб келишни режалаштирган домла, Ойсанамни дала ҳовлида қолдириб, икки аёлни олиб кетди. Ойсанам эртасига барвақт туриб, уй ишларини аъло даражада бажарди. Домла келганида ҳаммаёқ чиннидай тоза, саранжом-сарришта эди. Кулиб, ёш болалардек қаршисига югуриб чиқиб кутиб олган Ойсанамни кўргач унинг юраги гупириб кетди. “Қандай яхши, биров сени интизорлик билан кутса! Мени кўриб қувонишни қара-я! Намунча бу қиз ёқимтой бўлмаса! Кулишларини-чи...”

Домла — Турғун Фаниевич келтирган егуликларни ичкарига олиб кирар экан, олдида пилдираб, шўх-шодон гапириб кетаётган қиз бегонасирамаётгани, эски танишлардек ўзини эркин тутишидан ҳайрон эди.

“Шу куни мени шайтон йўлдан урди. Кейин билсам у атайлаб олдимда ўралашиб, турли ноз-карашмалар қилиб, мени шунга ундаган экан. Аввалига у бокира бўлса, охири яхшилик билан тугамайди, деб ўзимни қўлга олишга, ҳатто турли баҳоналар қилиб шаҳарга элтиб қўйишни режалаштирдим. Бироқ у бозор кўрган, мен кабиларни доғда қолдираркан.” (Қотилнинг кўрсатмасидан).

Ўша тун улар бирга қолишди. Домла ёш, кўҳликкина, ёқимтой қиз олдида ўз эҳтиросларини тийиб туришга қодир эмасди. Қизнинг ҳам унга майли борлигини сезгач, бироз дадиллашди.

Шу-шу Ойсанам бозорга чиқишни йиғиштириб қўйди. Ҳамхоналари Ойсанам ниятига етиб, “наҳанг”ни ўлжага олганидан ҳасадлари келарди. Буни сезган қиз домлага айтиб, ижарага бошқа уй топиб беришни илтимос қилди. Домла ҳам ораларидаги муносабатни кўпчилик билишидан манфаатдор эмасди. Шу боис уни чек-кароққа, шароити яхши, ўз мавқеи ва таъбига мос бўлган хонадон топиб, кўчириб ўтди.

Шунга қарамай улар домланинг дала ҳовлисига тез-тез бориб туришар, бу ерда ҳеч ким халақит бермасди. Хайриятки, домланинг оиласи, яқинлари унинг дала ҳовлиси борлигидан бе-

ўзи эплаб кетади, деб ўйлаб қаттиқ янглишган эканман. У дарсларга бормас, умуман қўлига китоб олмасди. Фақат ўзига оро берар, ўқишга фақат кийимлари, тақинчоқларини кўрсатгани, кўз-кўз қилгани борарди.” (Қотилнинг кўрсатмасидан).

Ойсанам имтиҳонлар вақтида домладан баҳоларни қўйдириб беришини сўраб, ҳоли-жонига қўймасди. Шундай қилиб икки йилни ҳам ўтказди. Турғун Фаниевич унинг учун ҳамкасбларига ялиниб-ёлворар, кимдир ҳурмати учун, кимдир ижирганиб, бошқа биров ўз манфаатини ўйлаб илтимосини ерда қолдирмасди. Домланинг “жияни” институтда отнинг қашқаси-

Ўқи, жила курси, дарсларни қолдирма, деб неча марта тайинладим. Нима қилсанг қил, аммо мендан ёрдам кутма!

— Йўқ, жонгинам, агар имтиҳонларимни тўғрилаб бермасангиз оилангизга сиримизни ошқор қиламан. Институтга ҳам.

— Бу нима деганинг?! Ахир бошида ўқишга киритиб қўйсангиз булди, бошқа даъвойим йўқ. Бир умр сизни севиб ўтаман, қулингиз бўлай, дегандинг-ку!

— Ҳозир вазият ўзгарди. Сиз нафақат мени ўқитиб, диплом олиб бера-сиз, балки қонуний никоҳингизга ҳам оласиз, — деди у пинагини бузмай.

— Бу яна нимаси! — жон-пони чиқиб кетди домланинг. — Сен яхшиликни билмайдиган кўрнамак экансан-ку! Шундоқ ҳам ҳеч кимдан кам қилмаган бўлсам...

— Йўқ, домлажон, мен боламнинг қонунсиз туғилишини истамайман.

— Нима?!

“Охирги пайтлари у тўлишиб, кундан-кунга ўзгариб бораётганди. Шу боис, мен унинг ҳомиладорлигига ишондим. Аслида ростмиди-ёлгонмиди ё бу унинг навбатдаги ҳийласими-ди, билмадим. Бироқ ҳурмат-эътиборли, неварали одамнинг бир суяқоёқ билан илакишиб юрганини билиб қолишса, нима деган одам бўлдим. Унинг сурбетлиги қонимни жунбушга келтирди. Қандай қилиб унга пичоқ урганимни билмай қолдим.” (Қотилнинг кўрсатмасидан).

Марҳуманинг шахси аниқлангач, суриштирув ишлари жадаллашиб кетди. Қизнинг домла билан алоқаси аниқлангач, терговчи институтга йўл олди. Савлатли, афт-ангоридан зиёлик ёғилиб турувчи, хушсурат, ўта маданиятли кишининг салобати ўз-ўзидан ҳурмат ва эҳтиром уйғотарди. Жияни ҳақида сўралганида у аввал ҳеч нарса билмаслигини айтди. Аммо бутун институт жиянингиз эканлигини билсаю, сиз унинг қаердалиги билан қизиқмасангиз, деган саволидан эсанкираб қолди. У бир оз оғир ўйга чўмгач, ялинганнамо:

— Мен ҳаммасини айтиб бераман. Фақат илтимос, менга бир кун муҳлат беринг! Эртага кенжа қизимнинг бешик тўйи. Шуни ўтказиб олай, ўзим идорангизга бораман, — дея олди холос.

Айтилган кун терговчининг эшиги секин тақиллади. Терговчига ўтган куни кўрган бу одам қариб кетгандек, йўл юравериб ҳориган, силласи қуриган, барча бойлигидан айрилган девонадек туюлди. Оғир ўйлар оёғига кишан каби ботганиданми, юриб эмас, судралиб келаётгандек эди гўё.

Терговчи унга сув тутди. Бироқ у сувга қарамай, охирги жанг учун куч тўплаётгандек чуқур нафас олди-да, ҳикоясини бошлади...

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

МЕҲР ва ҚАҲР



дек маълум бўлиб қолганди.

Мана, Турғун Фаниевич амаллаб маъшуқасини учинчи курсга ҳам ўтказиб қўйди. Энди буёғига ёрдам бера олмайди. Чунки учинчи курсда шундай илм соҳиблари дарс беришадими, билими бўлмаса кимлигидан қатъи назар, ҳатто ўз боласи бўлса-ям ҳисоблашмайди. Домланинг эса уларга илтимос қилишга юраги бетламайди,

журъатию тоқати ҳам йўқ. Аксинча, ўсал қилади улар, ўсал. Йўқ, у энди жиддий ўқиши керак. Йўқса, домланинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Бир... ни деб, обрўси, мансабидан айрилиш... Йўқ, бундай қилолмайди.

Аммо Ойсанам бу ҳақда эшитишни ҳам истамади. Энди улар тез-тез уришиб қолишар, бир пайтлар унинг овозини эшитиш, тим қора кўзларига тикилиб, оғушига ғарқ бўлиш учун қанот чиқариб ёнига учиб келадиган домла энди кўрарга кўзи йўқ, бир иложини қилсаю кутулса... Орадаги совуқчиликни сезган Ойсанам домлани тез-тез ижара уйига чақирар, чақирганда келмаса, тўппа-тўғри ишхонасига бос-тириб борарди. Унинг хурмача қилиқларидан безор бўлган домла тезроқ кутулиш чораларини изларди.

Суянган суянчигининг мўртлашиб бораётганини сезган жувон жазавага туша бошлади. Нима қилса уни ушлаб қолади. Ушлаб қоладигина эмас, уни ўзиники қилиб олиши керак.

— Мен сенга ёрдам бера олмайман.

хабарлиги. У илмий ишларини давом эттириш, шунингдек, тинчлик-сокинлик излаб шу ҳовлини олган, бу ҳақда айтишни эса ҳар гал пайсалга солиб келаётганди. Энди билса, тўғри қилган экан.

Домла бора-бора Ойсанамни кўрмаса туролмайдиган, у билан ўтказган вақтларини энг бахтли дамлар дея хотирлаб юришга ўрганди. Илмий иш билан бўлиб, “қаттароқ одам бўлиш” ниятида ён-верига тузукроқ қарамагани, ҳаётнинг яширин, “юракни энтиктирувчи” томонлари борлигини ҳаёлига ҳам келтирмаганини англади. Ўзини ёш, қўлини қаёққа чўзса етадиган, мавқеи баландлигини ҳис қилар, шу пайтгача уй, институт, кутубхона, ёзув машинкаси ва қоғозлардан бошқа нарсани ўйламаганига ўзи ҳам ҳайрон қоларди.

Ойсанам ҳалеб ялиниб-ёлворавганидан Турғун Фаниевич уни ўзи дарс берадиган институтга ўқишга киргизди.

“Мен уни чинданам билимга чанқоқ, ўқишга киритиб қўйсам, уёғини

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан 1961 йилда туғилган Мансур Расулович Ҳамидов бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Бойсун тумани Ю. Қодиров маҳалласида яшаган. 2001 йилнинг июнь ойи охирида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 180-185 см, кўзлари қисикроқ, бурни пучуқ, сочи қора, қошлари қора, қалин, ёйсимон.

М. Ҳамидовни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ИИБ томонидан Ўктам Маҳмудович Рўзиев жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юргани учун қидирилмоқда. У 1985 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани Белибойли қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, кўзлари қисик, қиррабурун, сочи малларанг, қошлари сийрак, қора, ёйсимон.

Ў. Рўзиевни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Бойсун тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, ИИББ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги подполковник

Камол МАТЧОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ИХХБ инспектори, капитан

Баҳодир ХОЛБОВЕВнинг

фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, майор Д. Матҳолиқовга акаси

Бахтиёржон МАТХОЛИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ЗАКОВАТ

ҲИКОЯТ

ҚОЗИЛИК – РОЗИЛИК ДЕГАНИ

Қадим замонда ака-ука бўлган экан. Ака ҳужалик ишлари билан шуғулланаркан. Укаси бўлса қозилик қиларкан. Бир куни ака укасига дебди:

– Сенга маза-да. Ўтирган жойингда ҳукм чиқариб, жарақ-жарақ пул топасан. Мен бўлсам эртадан кечгача тиним билмайман.

– Унақа бўлса, келинг, урин алмашамиз. Ушанда қозилик қилиш осон эмаслигига ўзингиз амин бўласиз, – дебди ука.

Шу кундан эътиборан ука ҳужалик ишларига машғул бўлибди, ака эса қозилик қила бошлабди.

Бир куни қозининг олдида икки овчи баҳслашганча келиб қолишибди.

– Хўш, воқеа тафсилотларини айтиб беринглар-чи? – сўрабди ака.

– Ўрмонда кетаётган эдим, – ҳикоя қила бош-

лабди биринчи овчи. – Олдимдан кийик чиқиб қолди. Камонимни олиб, шартта отдим. Уқ унинг пешонасига тегди. Шунинг учун улжа меники.

– Йўқ, – дебди иккинчи овчи. – Мен отган ўқ кийикнинг орқа оёғи билан қулоғига тегди. Шундай экан, улжа менга тегишли.

Қози узоқ уйлаб ўтирмай ҳукм чиқарибди:

– Ўлжа биринчи овчига тегишли. Чунки битта ўқ бир вақтнинг ўзида кийикнинг ҳам орқа оёғига, ҳам қулоғига тегиши мумкин эмас.

Овчилар кетишгач, ука акасига эътироз билдирибди:

– Сиз нотўғри ҳукм чиқардингиз. Иккинчи овчининг гапи тўғрига ўхшайди. Чунки кийик орқа оёғи билан қулоғини қашийётган пайти, у ўқ

узган кўринади.

Ака укасининг мулоҳазаси тўғри эканлигини тан олди. Орадан бир неча кун ўтиб, қозининг олдида икки қўшни келди. Айтишларича, иккаласининг ҳам туяси бўлган. Улар далада ўтлаб юришганида қайси биридир туққан. Лекин буталоқни иккови ҳам ялаб-юлқашаётган экан. Қози ташқарида турган туяларга қараб, қорни осилганроғини кўрсатиб:

– Буталоқ ана шу туянинг боласи, – дебди. Шунда укаси ўзини тута олмай гапга аралашибди.

– Хафа бўлмангу, лекин яна нотўғри ҳукм чиқардингиз. Менимча,

буталоқни кемага ўтказиб қирғоқдан узоқлаштириш керак. Туялардан қай бири уни қутқариш учун сувга отилса, буталоқнинг онаси ўша бўлади, – дебди.

Бу ҳукм ҳар икки қўшнига ҳам маъқул бўлибди. Ака эса қозилик ўзи ўйлаганчалик осон эмаслигини тан олиб, ўз иши билан шуғулланишга қарор қилибди.

Нўғой халқ ижодидан.



ДЕТЕКТИВ БОШҚОТИРМА

НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Қамоқхонадан ўта хавфли жиноятчи қочишга муваффақ бўлди. Қидирув-суриштирув ҳаракатларидан сўнг ниҳоят унинг изига тушишди. Бир қишлоқ аҳолиси вакиллари ҳақиқатан ҳам бундан 15 дақиқалар олдин қандайдир нотаниш кимса дала томон ўтганлигини айтишди. Улар инспектор Варникенинг қўлидаги қочоқ маҳкумнинг суратига қараб: «Худди ўзи», дейишди.

Шундан сўнг инспектор шериги билан дала томон югуриб кетди. Варнике зигирпояда зигир ўраётган кишидан сўради:

– Мабодо, яқин орада шу ердан баланд бўйли, ягриндор киши ўтмадими?

– Ўтган бўлса бордир. Яна билмадим. Иш билан андармон бўлиб пайқамагандирман, – инспекторга қарамасдан жавоб берди зигир ўраётган киши.

– Катта раҳмат! – дея Варнике югуришда давом этди. Аммо тўсатдан тўхтаб, чўнтагидан тўппончасини чиқариб, ҳалиги кишига ўқталиб деди:

– Жин ургур, сал бўлмаса чув тушардим. Кутар қўлингни! Менга бу найрангинг ўтмайди.

Савол: Нега инспектор Варнике қаршисидagi киши қочоқ маҳкум деган хулосага келди?



Жавобни кўзгу орқали кўриш мумкин.

нўғў нтнпсвмннпсвсвс вв ннннпўд доқнўсў нсвпсот нннўр
ндсшнпс доқнўсў нсвпс нсвпсн ннпсвд нлнннннпў ннннннн

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
IV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**
MUASSIS:
**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
ISHKI ISHLAR
VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**

Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.

E-mail: urmvd@inbox.uz

БИР ҲОВУЧ ДУР

МАЪНАВИЙ ҲИҚМАТЛАР – ҚАЛЬ ЖАВОҲИРИ

*Ўз нафсини мағлуб этолган марддир,
Ғийбатлардан узоқ кетолган марддир.*
Абу Абдулло РУДАКИЙ.

*Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак дурур.*
Алишер НАВОИЙ.

*Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин,
Яхшидир егандан биров оқ нонин.*
Хусрав ДЕХЛАВИЙ.

*Ҳеч кимга ялинмас хунарли инсон,
Ғизқин ўз боғидан топади боғбон.*
Сайидо НАСАФИЙ.

*Ўз меҳнатидан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёш-қиши.*
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

*Рух қалъасини сақлаб қолиш учун жисм
қалъасини мустаҳкамлаш зарур.*
Виктор ГЮГО.

АБИТУРИЕНТ – 2009

ОМАД СИЗГА, АБИТУРИЕНТЛАР!

Бугун 1 август – барча абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари учун энг ҳаяжонли ва эҳтиросли кун. Чунки, узоқ кутилган синов паласи бошланди.

Маълумки, мазкур ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртларининг бакалавриатура босқичига 57305 нафар талаба қабули режалаштирилган.

Шундан 19755 нафари давлат гранти, 37550 нафари эса тўлов-контракт асосида қабул қилинади. Шунингдек, магистратурага 5647 нафар талаба қабули белгиланган бўлса, 1559 нафари давлат гранти, 4088 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқиш имкониятига эга бўлади.

Билимга чанқоқ ёшларимиз

тест синовларини муваффақиятли топшириб, ўз танлаган мутахассисликлари бўйича ўқишга кириш бахтига муяссар бўлишларини тилаб қоламиз.

Республика ИИБ раҳбарияти абитуриентлардан уларнинг ота-оналари ёки бошқа кузатувчилардан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишларини сўраймиз.

ТЕСТ

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Эътиборингизга ички ишлар идораларининг турли соҳаларига оид тест саволларини ҳавола этаёلمиз. Уларни ечиб, ўз билимингизни синаб кўринг.

Профилактика инспекторига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг нечта моддаси бўйича мустақил равишда қонуний чора кўриш ҳуқуқи берилган?

- 5 та моддаси бўйича;
- 8 та моддаси бўйича;
- 10 та моддаси бўйича;
- ҳуқуқ берилмаган.

Ўқ отар қурол экспертизаси қайси йўналиш бўйича амалга оширилади?

- трассология;
- ҳужжатларни техник текширув;
- физика-техника;
- баллистика.

Воқеа жойини кўздан кечириш вақтида биринчи бўлиб қайси хизмат иш олиб боради?

- жиноят қидирув;
- тергов;
- эксперт-криминалистика;
- патруль-пост.

Қайси ҳолатда жиноят содир этишда гумон қилинувчи ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиши, яъни адвокат ёллаши мумкин?

- оғир ва ўта оғир жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган бўлса;
- ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятни содир қилишда гумон қилинаётган бўлса;
- кўрсатиб ўтилганлардан қатъи назар ҳар бир ҳолатда;
- тўғри жавоб йўқ.

«Жиноят содир этишда гумон қилинувчининг ушлаш», ибораси қандай маънони англатади?

- гумон қилинувчининг ички ишлар идорасига келтириб, вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасига киритилиши;
- гумон қилинувчининг ички ишлар идорасига келтирилиши;
- ички ишлар идорасига келтирилган гумонланувчини ушлаш тўғрисида қарор чиқарилиши.

Шахс қайси идора ёки ким томонидан хавфли репидивист деб топилди?

- суд томонидан ҳукм чиқариш вақтида;
- терговчи томонидан шахсга айбнома эълон қилиш вақтида;
- туман ИИБ бошлиғи томонидан.

Ички ишлар идоралари автоматлаштирилган ахборот тизимини амалга ошириш ҳамда мавжуд тизимларнинг фаолиятини назорат қилиш қайси бошқарма зиммасига юклатилган?

- ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармасига;
- ИИБ Молия-иқтисод бошқармасига;
- ИИБ Ахборот марказига;
- ИИБ «Компьютер техникаларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш маркази»га.
